

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 330.1**

АХМАДЖАНОВ ДОСТОН РУСТАМ ЎҒЛИ

**САМАРАЛИ БЮДЖЕТ СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ**

Мутахассислик: 5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар _____

и.ф.н., доц. Н. Ҳасанов

ТОШКЕНТ – 2017

Диссертация Тошкент молия институти «Иқтисодиёт назарияси»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

доц. Н. Ҳасанов

Кафедра мудири

доц. Д. Джумонов

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....

I-БОБ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. Давлат фискал сиёсатининг назария асослари
- 1.2. Солиқлар, давлат бюджетининг асосий функциялари ва вазифалари
- 1.3. Ўзбекистонда давлат бюджет-солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари

II-БОБ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ФИСКАЛ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1. Иқтисодиётни бюджет-солиқ тизими ёрдамида тартибланишнинг ўзига хослиги ва унинг турлари
- 2.2. Ўзбекистонда давлат бюджетни даромадлари ва харажатлари таҳлили
- 2.3. Бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири

III-БОБ ДАВЛАТ БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

- 3.1. Иқтисодиётни тартибланишда солиқ тизимини такомиллаштириш муоммалари ва уларнинг ечимлари
Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш.....
- 3.2. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ва прогнозлаш.....
Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бюджет-солиқ сиёсати солиқ даромадлари истикболини белгилаш бошқарув назарияси ва амалиётида муҳим ўрин эгаллаб, ундан ривожланган мамлакатларнинг барчасида иқтисодий ўсиш усули сифатида фойдаланилади. Бюджет-солиқ сиёсати бюджет даромадлари истикболини белгилаш тамойилига асосланган иқтисодиётда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истикболларини тўғри ва аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқиладиган стратегиялар ҳамда амалга ошириладиган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш бирмунча аниқ, қулай ва мақбул ҳисобланиши ҳам ўз исботини топмоқда.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар томонидан ривожланган давлатларда бюджет-солиқ сиёсатини бюджет даромадлари истикболини белгилаш бўйича тўпланган кенг ва бой тажрибаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни миллий иқтисодиётга татбиқ этиш йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Шу жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини белгилашда уларнинг истикболига асосланган прогнозларни ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу эса, энг аввало, солиқ сиёсатининг истикболини белгилашнинг мазмуни, вазифалари, хусусиятлари, усуллари, самарадорлиги каби ўзига хос жиҳатларини англашни талаб қилади.

Хусусан, 2015 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чоратadbирлар натижасида бюджет даромадларининг харажатлардан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,1 фоизи даражасида бўлишига эришилди.

Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ислох этиш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни

хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айнан бюджет-солиқ сиёсатини оқилона ташкил этилиши хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатини оқилона ташкил этилиши, барча тармоқ ва соҳаларнинг самарали амал қилиши ҳамда уларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамия касб этади. Шунинг учун бюджет-солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тадқиқот объекти. Бюджет-солиқ тизимини амалга оширишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсади мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ-бюджет сиёсатини амал қилиши ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатларини ёритиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда бюджет – солиқ тизимининг аҳамиятини янада ошириш борасидаги назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O'qituvchi” НМИУ. - 2013. – 20 бет.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- иқтисодийни эркинлаштириш шароитида солиқ юкини камайтириш

ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллигини оширишда солиқ-бюджет сиёсатини мазмунан ёритиш;

- кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда тармоқларнинг самарали фаолиятини таъминлашга берилаётган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ масалалар таҳлили;

- республикада солиқ-бюджет тизимини амалга оширишни ташкил этиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган ғазна ижросини ёритиб бериш;

- глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда солиқ-бюджет сиёсати ҳал қилувчи воситалардан бири эканлигини ёритиб бериш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Солиқ юкини камайтириш, бюджет даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш ҳамда бюджет ғазна ижросини янада ривожлантириш асосида олинган хулосалар бюджет-солиқ тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бюджет–солиқ сиёсатининг таъсири муаммолари тўғрисида кўплаб хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрлари мавжуд бўлиб, ушбу масала бўйича А.Лаффер, Л.А.Дробозина, Б.А.Рагозин, К.Макконел, В.Г.Князев, Д.Г.Черник, В.М.Радионоваларнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан М.Ш.Шарифходжаев, М.И.Алимардонов, А.Ш.Бекмурадов, А.А.Набиходжаев, А.В.Ваҳобов, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Э.Ф.Ғадоев, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов,

Т.С.Маликов, Қ.А.Яхёев, О.О.Олимжонов, Н.Х.Хайдаров, Ш.А.Тошматов ушбу муаммони тадқиқ этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Тадқиқотда қўлланилган усулларнинг қисқача таснифи.

Тадқиқот

жараёнида статистик маълумотларини гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатиш, математик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллар қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг асосий натижалари мамлакатда солиқ-бюджет тизимини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва жаҳон андозаларига мослаштиришга қаратилган. Ушбу мақсадларни амалга оширишда асосан иқтисодиётда умумий солиқ юкини камайтириш, кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш каби устувор вазифаларни давомийлигини таъминлашда ўзининг ҳиссасини ошириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда амалга

оширилаётган

солиқ-бюджет тизимининг самарали фаолияти, бюджет соҳасида ғазна ижросининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда солиққа тортишнинг такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда тармоқларнинг самарали фаолиятини таъминлашга берилаётган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ масалалар асосланган;
- республикада бюджет-солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар моҳияти илмий асосланган;

- глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш ва унинг

оқибатларини бартараф этишда бюджет-солиқ сиёсати ҳал қилувчи воситалардан бири эканлиги татбиқ қилинган;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун берилаётган солиқ имтиёзлари ва солиқларни ундურიш янада такомиллаштирилиши орқали уларнинг янада самарали фаолият юритаётганлиги илмий асосланган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Тадқиқотнинг таркиби

кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Давлат фискал сиёсатининг назария асослари

Миллий иқтисодиётни тараққий эттиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодий сиёсатнинг янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш асосий бош масалалардан бири ҳисобланади. Давлатнинг иқтисодий сиёсатларидан бири бўлган фискал сиёсат иқтисодий ўсишни таъминлашда ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали таъсир этувчи иқтисодий, молиявий воситаларидан бири саналади.

Шу боисдан иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор муносабатлари такомиллашиб бораётган шароитида, иқтисодий ўсишга эришишдаги таъсирчан ва самарали фискал сиёсат тамойилларини жорий қилиш, бюджет ва солиқ муносабатларини чуқур таҳлил қилиш, келгусида эришиладиган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашдаги самарадорлигининг илмий асосланган ҳамда реал амалиётда ўз амалий тасдиғини топувчи механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини туғдирмоқда.

Барчага маълумки, бозор иқтисодиёти муаммоларига бағишланган ҳар қандай илмий манбаларда, асосан хорижда амалга оширилган илмий тадқиқотларда фискал сиёсатнинг назарий ва амалий жиҳатларига маълум даражада тўхталиб ўтилган. Фискал сиёсатнинг иқтисодий мазмуни ва уни руёбга чиқариш механизмлари анча узоқ даврлар давомида иқтисодиёт ва молия соҳаларига доир илмий манбаларнинг таркибий қисми сифатида шаклланган. Бунда фискал сиёсат муаммоларига бағишланган турли хил иқтисодий қарашлар тарихан объектив ва субъектив омиллар таъсирида зиддиятли тарзда шаклланган.

Инглизча сўз орқали кириб келган “фискал сиёсат” тушунчаси мамлакатимиз ва хориж иқтисодий адабиётларида турлича талқин

килинади, кўп ҳолларда “бюджет-солиқ”, “молия-солиқ” ва “молиявий сиёсат” деб юритилади².

Фискал сиёсат лотинча талқиндан кириб келган бўлиб, “Фискал” лотинча “fiscus” сўзидан олинган бўлиб, “хазина”, “хусусий хазина ёки Қадимги Римда император хазинаси” ва кейинчалик “солиқларни ўрнатувчи ва йиғувчи давлат хазинаси” деган маънони англатган³. Шунингдек хориж иқтисодчи олимларидан Ив Бернар ва Жан-Клод Коллиларнинг иқтисодий ва молиявий атамалар луғатида “fiscalite” солиқ йиғимлари бўйича солиққа тортишнинг яхлит қонунчиликка асосланган қонун қоидаларини англатади, деб кўрсатишади⁴. Бу ўз навбатида, “хазина сиёсати” ва “солиқ сиёсати” деган тушунчаларни ҳам юзага келтиради.

Иқтисодий фанга дастлаб “фискал сиёсат” (fiscal policy) атамаси ва унинг иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш дастаги сифатида фойдаланиш ҳақидаги фикр инглиз иқтисодчиси Дж.М.Кейнсга мансубдир.

Агар солиқ сиёсатидан атайлаб даромадларнинг адолатли тақсимланишига эришишга ёрдам берадиган омил сифатида фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда бу сиёсат албатта истеъмолга мойилликни кўпайтиришга янада кучлироқ таъсир кўрсатади⁵”, деб таъкидлаши унинг солиқларни тараққиёт омили, деб кўрсатишга ҳаракат қилганлигидан далолат беради.

Одатда ғарбдаги олимларнинг тадқиқотларида фискал сиёсатнинг моҳиятига уларнинг функциялари орқали таъриф берилмайди, балки давлатнинг солиқлардан фойдаланиш йўналишлари қараб чиқилади.

² Қаранг: Молия сиёсати, солиқлар ва солиққа тортиш. Таҳрир кенгаши В.Беганов ва бошқалар. Т.: “Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси”, 1998й.; Ш.Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: ДИТАФ, 2001; С.Носова Экономическая теория: краткий курс. Учебное пособие. – М.: Гуманитар. Изд. Центр Владос, 2001; Ваҳобов А.В., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисод-молия, 2005.; Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати / Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов; Т.С.Маликовнинг умумий таҳрири остида, Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ.-Т.Академнashr, 2011.-472б.

³ Большая энциклопедия. Под ред. С.Н.Южанова (словарь общедоступленных сведений по всем отраслям знания) Издатели: Библиографический Институт Мейер в Лейпциге и Вене и Книгоиздательское Товарищество «Просвещение» в С.Петербург, 1904. Т.19, С.254.

⁴ Толковый экономический и финансовый словарь. Под ред. Ив Бернар ва Жан Клод Колли. – М., Международные отношения, 1994. Т.1.С.741

⁵ Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1993, 344-стр.

Аввало, солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл билан С.Брюлар кўрсатиб берганлар⁶.

Хатто неокейнсчилик йўналишининг намоёндалари бўлган А.Хансен, П.Самуэльсон ва бошқалар бюджет ва солиқ солиш тизимини ўзгартириш орқали фискал сиёсатни иқтисодиётнинг циклик ривожланишига мослаштиришни таклиф этганлар. Бу иқтисодчилар фискал сиёсатни ўрнатилган “автоматик стабилизатор”, деб ифодалаганлар. Улар бу ўринда солиқларга алоҳида аҳамият беришади. Айрим иқтисодчи олимлар фискал сиёсатнинг моҳиятини, солиқлар жамият тараққиёти учун аҳамиятини кўрсатиш орқали очиб беришга уринганлар. Мисол учун, П.Самуэльсон солиқлар ва давлат харажатлари билан иш кўрувчи фискал сиёсат, пул сиёсати билан қўшилганда юқори даражадаги аҳоли бандлигини юзага келтирувчи барқарор иқтисодиётни мақсад қилиб қўяди, лекин бу ерда нархлар кадрсизланиши маълум даражада ҳисобга олмайди, деб фискал аҳамиятини баҳолашга уринганлиги шулар жумласидандир⁷.

Шу билан бирга, улар амалга оширилиши мумкин бўлган фискал сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш учун хал этиладиган вазифалардан келиб чиқиб, рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи сиёсатлар сифатида ифодалашга алоҳида эътибор қилишган.

Бу фикрларда биз учун муҳим иқтисодий ривожланиш мақсадларининг ўзгарувчанлиги ва шунга мос равишда фискал сиёсатнинг йўналишларини мувофиқлаштирувчи йўналишлар ҳамда хулосаларни учратамиз холос.

Шундай экан, молиявий сиёсат олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, унинг учта йўналишини, яъни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёсатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

⁶ Макконелл Б., Стенли Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика// пер. с англ., 2т, Изд.: «Республика», 1992. стр

⁷ Самуэльсон П. Экономика Т.1. пер. с англ.- М. Республика, 1993

Ҳозирги замон иқтисодчи олимлари ҳам фискал сиёсат мазмуни ва унинг жамият тараққиётига таъсир доирасини маълум даражада изоҳлашга ҳаракатлар қилишган. Улар томонидан қилдинган тадқиқотларга таянган ҳолда умумий ҳолда урта ёндашув жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, биринчи ёндашувда фискал сиёсатнинг асосан солиқ муносабатлари, солиқ тизими ва тамойилларини билан узвий боғлиқлигини кўрсатишга уринишган⁸. Бир қатор иқтисодчи олимлар эса солиқ сиёсатини фискал мақсадларидан келиб чиқиб фискал сиёсатга боғлиқ бўлмаган мустақил сиёсат турларидан бири ҳисобланади, деб кўрсатишган⁹. Шунингдек, немис иқтисодчиси Габлернинг “Иқтисод ва ҳуқуқ” қомуснома луғатида солиқ сиёсати солиқ тушумларини кўпайтириш мақсадидаги фискал воситасини, шу билан бирга фискал бўлмаган яъни умумдавлат аҳамиятига молик муаммоларни ҳал этишга қаратилган муаммоларни баратараф этиш мақсадлари, шунингдек иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларини тартибга солишда солиқ ставкаларини табақалаштириш орқали иқтисодиёт субъектларини солиққа тортиш, амортизация ажратмаларини ошириш орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ўсишга эришиш ва бошқалар деб кўрсатади. Бу билан иқтисодчи олимлар солиққа тортишнинг фискал воситасини чегаралаб қўядилар ва давлат харажатларини таъминлашга қаратилишини таъкидлашади. Фискал бўлмаган мақсадларни эса иқтисодиёт тармоқлари тараққиётини рағбатлантириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътибор қаратилишини кўрсатишади.

Шунингдек, бошқа илмий тадқиқотларда фискал сиёсатни мамлакатда рақобат муҳитини шакллантиришдаги таъсир доираси масаласи анча кенг мазмунда чуқур таҳлиллар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотларни амалга ошириш бевосита ҳудудларга самарали инвестициялар киритиш ва жалб қилиш ҳамда аҳоли фаровонлигини

⁸ Экономическая энциклопедия. Под ред. Л.И.Абалкина. – М.: Экономика, 1999. С 177.

⁹ Экономика и право. Энциклопедический словарь Габлера. Пер. С нем. Под ред. А.П.Горкина, Н.Л.Тумановой, Н.Н.Шаповаловой, Ю.В.Якутина. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. С.108.

оширишга, ҳудудларда самарали бандликни таъминлашга хизмат қилади. Тадқиқотда фискал сиёсатнинг таркибий қисми сифатида солиқ сиёсати орқали рақобат муҳитини яратиш борасидаги дастлабки уринишлар Чарльз Тибу томонидан ўрганилган¹⁰. У томонидан ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган қарашлардаги янгилик шундаки, унда жамият фаровонлигини таъминлашга солиқ тўловчиларнинг ўзларида қизиқиш уйғотиш зарурлиги қайд қилинади. Юқорида келтирилган шунга ўхшаш тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айнан солиқлар мамлакат ҳудудларига инвестицияларни самарали жойлаштириш ва инвесторларнинг ўз сармояларини тўғри тақсимланишига таъсир қилади. Лекин, бундай модел механизмлари бўйича қилинган тадқиқотлар натижаси фақатгина минимал солиқ ставкаларининг мувозанатлашувини ўрнатиш билан кифояланган¹¹. Бундай модел механизмларини қўллаш амалда ҳудудларда солиқлар орқали рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Иккинчи ёндашув фискал сиёсат мазмунини бюджет-солиқ сиёсати билан боғлашга бўлган уринишлар, солиққа бўлган масъулиятни ошириш, солиқ ставкаси, уни оқилона белгилаш тартибини ўзгартириш орқали руёбга чиқариш ёки давлат сарф-харажатларини таркибий қисмларини ўзгартириш орқали реал товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ҳамда трансферт тўловларини жалб қилишга таъсир кўрсатиш ташкил этади. Бундай сиёсат замирида ялпи таклиф ва ялпи талаб даражасига таъсир этиш мақсадини кўзлайди ҳамда миллий ишлаб чиқарувчилар ва умуман жамият манфаатини ифодалайди. Шунингдек миллий иқтисодиётда мувозанатлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади¹².

Шунингдек, яна бошқа бир қатор иқтисодий манбаларда фискал сиёсат иқтисодиётда аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган ва

¹⁰ Wilson J.D. Theory of Interregional Tax Competition / J.D.Wilson // Journal of Urban Economics. 1986 – v. 19.-P. 296-315.; Wilson J. D. Theories of tax competition / J.D. Wilson // National Tax Journal. 1999 - v.52. No.2. - P. 269-304.

¹¹ Zodrow G.R. Pigou, Tiebout, Property Taxation, and the Underprovision of Local Public Goods / G.R. Zodrow, P.Mieszkowski // Journal of Urban Economics 1986 - v. 19. - P. 356-370.

¹² Словарь современных экономических и правовых терминов. Под ред. В.Н.Шимова, В.С.Каменкова, Минск. Алмафёя, 2002. С.456.

инфляцион жараёнларни юмшатишга қаратилган ҳамда давлат молия сиёсатининг таркибий қисми сифатида эътироф этиладиган давлат иқтисодий сиёсатининг асосий таркибий қисми деб кўрсатилган¹³. Замонавий тадқиқотларда фискал сиёсатнинг мазмунига янада аниқлик киритишда иқтисодий фандаги кейнсчилик таълимотидаги илгари сурилган мазмун моҳиятидан кейнс-чиликни танқид остига олишса-да, ундан кенг фойдаланишган. Хусусан, С.Фишер, Р.Дорнбуш ва Р.Шмалензилар яхлит олинган давлат харажатлари ва солиқ соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган деб фискал сиёсатга аниқлик киритишга ҳаракат қилишган¹⁴.

Шунингдек, иқтисодчи олимлардан Дж.Долан ва Д.Линдсейлар фискал сиёсатни бюджет-солиқ сиёсати терминидан фойдаланишиб, унга кейнсчилик томонидан илгари сурилган назария доирасида мазкур сиёсат солиқ тизими таркибий тузилмасини тартибга солиш орқали ялпи талаб, трансферт тўловлари, давлат харидлари ва буюртмаларига таъсир этувчи сиёсат деб тушунтиришади. Шунингдек, улар реал амалиётда фискал сиёсатни қўллашда бир катор мураккабликларга олиб келишини таъкидлашади¹⁵. Шунга ўхшаш жиҳатларни иқтисодчи олимлардан В.М.Гальперин ва П.И.Гребенниковлар ҳам қўллаб қувватлашади¹⁶.

Фискал сиёсат бўлган қарашларнинг учинчи ёндашувида анча мазмунан моҳиятини очиб беришга чуқурроқ ёндашилган. Е.Ф.Борисов фискал сиёсат давлат томонидан бюджет даромадлари ва харажатларини тартибга солишга қаратилган давлатнинг яхлит олинган молиявий чоратадбирлар мажмуаси деб кўрсатади. Шунингдек, замонавий фискал сиёсат молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва молиялаштириш

¹³ Современный экономический словарь. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. – М.: Инфра-М, 2000. С. 424; Толковый словарь экономических и юридических терминов. Л.П.Куракова, В.Л.Кураков. Москва-Чебоксары: Изд-во Чувашского ун-та, 2002. С. 686; Финансово-инвестиционный словарь. Под ред. Д.Доунса, Д.Э.Гудмана. – М.: Инфра-М, 1997. С.169.

¹⁴ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. – М.: Дело ЛТД, 1993. С.512.

¹⁵ Долан Э.Дж., Линдсей Д.Е. Макроэкономика. Пер. с англ.-СПб.: Печатный двор. 1997. С.157.

¹⁶ Гальперин В.М., Гребенников П.И. Леусский А.И., Тарасевич Л.С. Макроэкономика. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 1997. С.360.

манбаларини шакллантириш ҳамда унинг асосий вазифаси давлат хазинасини тўлдириш ҳисобланади¹⁷.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.С.Маликов фискал сиёсатни “бюджет-солиқ сиёсати” талқинида тадқиқот олиб бориб, унинг мазмунига “бир томондан, бюджет даромадларини (оқилона) шакллантириш, иккинчи томондан, бюджет харажатларини (самарали) сарфлаш билан боғлиқ”¹⁸ деб кўрсатади. Шунингдек, бюджет-солиқ сиёсатини шартли равишда бир-биридан нисбий жиҳатдан мустақил бўлган бюджет-солиқ сиёсатлари мажмуи сифатида ҳам эътироф этиш мумкин, деб фискал сиёсатни иккита сиёсатлар туридан иборат эканлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, бошқа мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам фискал сиёсатнинг таркибий қисмларидан саналган солиқ сиёсатига алоҳида эътибор қаратишади¹⁹.

Бундай ҳолат фискал сиёсатни яна уч жиҳатини яъни фискал, молиявий ва иқтисодий сиёсат турларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг мустақиллик йилларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар асосан бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда замонавий бюджет-солиқ сиёсати шакллантирилди. Хусусан мазкур соҳада асосий эътибор рағбатлантирувчи характерга эга бўлиб аҳоли реал даромадларини ошириш, модернизацион жараёнларни реал амалий ҳаётга татбиқ этиш, янги тармоқ тузилмаларини яратиш ва шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадъал суръатларда ривожлантиришга қаратилди. Ўтган йиллар оралиғида солиқ сиёсати борасида солиқ ставкаларини камайтириш орқали солиқ юкини юмшатиш, мамлакатда инвестицион жозибадорликни таъминлаш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни жорий этиш, янги коммуникацион технологияларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий

¹⁷ Борисов Е.Ф. Экономическая теория. – М.: Юрист. 1997. С. 505.

¹⁸ Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати / Т.С.Маликов, П.Т.Жалилов; Т.С.Маликовнинг умумий таҳрири остида, Ўз.Р. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТМИ.-Т.Аkademnashr, 2011.-6-бет.

¹⁹ Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2004 йил.

тадбиркорлик соҳасида рақобатбардош экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, солиқ тўловчилар ва давлатнинг ўзаро алоқаларини яхшилаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотларни режа ва дастурлар асосида олиб боришда давлат фискал сиёсатининг илмий назарий концепциялари, турлари ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган молиявий восита ва дастакларининг янгича ёндашув асосида талқин қилишни, такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини туғдиради.

Шундай экан, мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган режа ва дастурлар асосида мужассамлашган ислохотлар даврида, янги сифат босқичида давлат фискал сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган механизмларининг барча жиҳатлари ва қирраларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва шунга мос равишда давлат фискал сиёсатининг таъсирчан самарали механизмларини олиб боришини асослаш иқтисодиёт назарияси олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Шунингдек, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг аҳамиятини ва унинг вазиятга қараб ўзгаришининг механизмларининг ўзига хос хусусиятларини тўлароқ асослаб бериш ҳамда уларни ўрганиш талаби мазкур мавзунинг долзарблигини оширади.

Мамлакат иқтисодий сиёсатининг молиявий муаммоларни ҳал этишдаги имкониятлари, фискал сиёсат муаммоси, жамият иқтисодий тизимидаги давлатнинг ўрни масалалари хорижлик иқтисодий қарашларда кўп йиллик илмий тадқиқотлар мавжуд. Иқтисодий фанда ҳам мамлакат тараққиётини юксалтиришда давлат томонидан тартибга солиш иқтисодчи, назарий олимларни ва амалиётчиларни қизиқтириб келган. Шу сабабли давлат фискал сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган назарий изланишлар тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Иқтисодий фан тарихида буюк иқтисодчи олимларнинг барчаси иқтисодий

ўсиш муаммоси ва уни таъминлашда давлатнинг самарали сиёсат олиб бориш зарурлигини асослашга ҳамда мавзу доирасидаги айрим жихатларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар орасида Ф.Кенэ, А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сэй, немис иқтисодчиси И.Г.Фон Тюнен, инглиз иқтисодчилари С.Джеванс, Ж.М.Кейнс, Ж.С.Милл ва америкалик иқтисодчилар Ж.Б.Кларк, А.Тосон ва бошқалар катта ҳисса қўшишган²⁰. Америкалик неокейнсчилардан Р.Харрод ва Э.Домарлар иқтисодий ўсиш моделини яратиб, жамғариш, инвестиция ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликни таҳлил қилганлар. Шунингдек, ҳозирги замон иқтисодчиларидан П.Самуэльсон, К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюлар ҳам мазкур муаммога катта ҳисса қўшганлар²¹.

Юқорида номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар назарий қарашлари ўз даврида жаҳон миқёсидаги иқтисодиёт фанида жаҳоншумул тўнтаришлар ясаган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари хусусиятларига ва тамойилларига мос келадиган томонларидан фойдаланиш ҳамда уларни реал амалий ҳаётга тадбиқ этиш ижобий аҳмият касб этади.

Собиқ иқтисодиёт фанида ҳам В.В.Лавров, И.В.Левчук, М.К.Шермёев, В.С.Павлов каби иқтисодчи олимлар²² томонидан маълум даражада фискал сиёсат давлатнинг молиявий сиёсат талқинида тадқиқотлар олиб боришган бўлса, иқтисодчи олимлардан А.Г.Зверев, В.П.Дьяченко, Б.В.Ракитский, А.И.Шохинлар²³ фискал сиёсатнинг

²⁰ Қаранг: Ф.Кенэ Избранные экономические произведения.-М.Соцэкгз. 1960; А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: 1962; Д.Рикардо Начала политической экономии и налогового обложения / Соч. Т.1. М.: Госполиздат, 1956; Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1993; Дж.С.Милл Основы политической экономии. Пер. с англ. Т.1. – М.: Мысль, 1980; А.В. Аникин Юность науки. М., Политиздат. 1971 г. История экономической мысли. М., 1998.

²¹ Қаранг: Менько Г. Макроэкономика. М., 1994; Денисов Э. Исследования различий в темпах экономического роста. М., 1971; Kuznets S. Economic Growth of Nations. Total Output and Production Structure. Cambridge, 1971; Леонтьев В.В. Экономические эссе. М., 1991; Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2т. пер. с англ. 11-го изд. Т.1. – М: Республика. 1992; Самуэльсон П. Экономика Т.1. пер. с англ.- М. Республика, 1993; Курс экономической теории: учебник – 4-с доп. И перераб. Изд.-Киров «АСА», 1999, стр. 557-584; Пезенти А.Очерки политической экономии капитализма. пер. с итал. В 2т. Т.2. – М.: Прогресс, 1976. с. др.

²² Лавров В.В.

²³ Зверев А.Г. Национальный доход и финансы СССР.М., 1970; Дьяченко В.П. Товарно-денежные отношения и финансы при социализме.М.,1974; Его же. История финансов СССР (1917-1950гг.). М.,

таркибий қисмларидан ҳисобланган солиқ тизими бўйича тадқиқотлар қилинган.

Иқтисодий ўсишни давлатнинг фискал сиёсати орқали таъминлашнинг айрим масалалари МДХ давлатлари ҳамда республикаларнинг кўпчилик иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ қилинган ва ҳозирда ҳам ўрганилмоқда. МДХ мамлакатлари олимларидан Е.Бухвалд, В.Г.Клинов, Н.Д.Кондратьев, Н.П.Кузнецова, К.И.Микульский ва бошқалар²⁴ ушбу муаммо билан шуғулланишган. Ўзбекистонда А. Ўлмасов, А.Вахобов, Ш. Шодмонов, Т.Жўраев, Қ.Абдурахмонов, Д.Тожибоева, О.Хамраев²⁵ ва бошқа қатор иқтисодчи олимлар тадқиқот ишларида иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг фискал сиёсат муносабатлари молиявий сиёсат талқинидаги кўплаб муаммолари ўрганилган. Аммо ушбу ишларда иқтисодий масалалар ўқув қўлланма, дарслик доирасида талабаларга маълум билим, кўникмалар бериш нуқтаи назаридан ёритилган. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитига тадбиқан давлат фискал сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган механизмларини такомиллаштириш масалалари ҳамда муаммолари яхлит олинган илмий-тадқиқот иши даражасида етарлича ўрганилмаган.

Шунингдек, хориж иқтисодчи олимларининг давлат фискал сиёсатининг иқтисодий тараққиётга таъсир этувчи самарали молиявий восита ва дастакларининг аҳамияти муаммолари бўйича амалга оширилган

1978.; Ракитский Б.В., Шохин А.И. Закономерности формирования и реализации трудовых доходов при социализме. М., 1987.

²⁴ Кондратьев Н.Д. Мировая хозяйствo и его конъюнктура во время и после войны. Вологда. 1999. Большие циклы конъюнктуры. Вопросы конъюнктуры. / Под ред. Кондратьев Н.Д.; Кузнецова Н.П. Экономический рост: История и современность. СПб.: Изд. Дом. «Сентябрь», 2001; Микульский К.И. Экономический рост при социализме: Опыт и перспективы. М., 1983; Проблема темпов экономического роста в современном мире / Микульский К.И. Крач О., Ширяев Ю.С.: Отв. Ред. К.И. Микульский. М., 1986. и др.

²⁵ Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений. Кол. авт. Абдурахмонов К. и др. Т.: «Шарк», 1999; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 2002; Шодмонов Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия» 2002; Ўлмасов А., Вахобов А.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик Т.: «Шарк», 2006.

кўп сонли тадқиқотлари ҳам ҳозиргача йўқлаб олинмаган ва ижодий ўрганилиб, танқидий таҳлил қилинмаган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни тақозо этади:

- Иқтисодий ўсишни молиявий таъминлаш тўғрисидаги турли иқтисодиёт фанидаги илмий қарашларни таҳлил қилиб умумлаштириш ва шу асосда мазкур тушунчанинг мазмунини, унинг сифат томонларини ҳисобга олиш ҳамда иқтисодий ўсишни молиявий таъминлаш жараёнига турли хил ёндашувлар мазмуни очиқ бериш;

- Макроиқтисодий даражада фискал сиёсатнинг дастак ва воситалари нуқтаи назаридан иқтисодий ўсишнинг мезонлари, ўлчамлари ҳамда таъсир этувчи асосий кўрсаткичларини аниқлаш ва шу орқали иқтисодий ўсишга таъсирчан, такомиллаштирилган механизмларини ишлаб чиқиш;

- Давлат фискал сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий-назарий концепцияларини ёритиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг молиявий восита ва дастаклари ҳамда уларни ўзаро уйғунлаштириш жараёнлари механизмларини ишлаб чиқиш;

- Макроиқтисодий мувозанатликнинг умумий кўринишларини тавсифловчи ялпи талаб ва ялпи тақлиф мувозанатини таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти ҳамда унинг самарали таъсир этувчи устувор йўналишларини аниқлаш;

- Миллий иқтисодиётда молиявий мувозанатликни таъминлашда бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг иқтисодий ўсишдаги ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

- Давлат бюджетини мувозанатлаштириш ва унинг тақчиллигини камайтиришнинг меъёрий миқдорлари ҳамда уларнинг аниқ моделларини аниқланиш;

- Солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнининг оптимал вариантларини аниқлаш ҳамда унинг иқтисодий фаолликни рағбатлантиришдаги ролини ошириш бориш хусусиятларини тадқиқ этиш;

- Иқтисодий ўсишнинг минтақавий-худудий ривожланишининг иқтисодий мутаносиблик жиҳатларини таъминлашда маҳаллий бюджетлар ролини ўстириб бориш жараёнларини аниқланиш.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган барча ҳолатларни ўрганиш, аниқ моделларини ишлаб чиқиш фикримизча, давлат фискал сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган механизмини такомиллаштиришга асос бўлади.

1.2. Солиқлар, давлат бюджетининг асосий функциялари ва вазифалари

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, турли ишлар бажарганда ёки бозорда олди сотди қилганда пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот (ЯИМ) қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнига амал қилади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаси ҳисобланган солиқлар катта аҳамият касб этади. Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланган.

Солиқлар кадимги даврлардан эътиборан олинган, аммо у вақтларда

солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (Шотланд файласуфи ва иқтисодчиси 1723-1790) ўзининг “Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари” (1776) илк бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларнинг аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Солиқ - давлат томонидан даромадларнинг бир қисмига (тўғридан-тўғри) эгалик қилиш ҳуқуқи бўйича корхоналар, муассасалар ва аҳоли тўлайдиган мажбурий йиғимлар.

Солиқларни ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- солиқ ва йиғимлар мажбурий тавсифга эга бўлган пул тўловлари бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг даромадини мажбурий тўлов сифатида бюджет даромадлари сифатида марказлаштиради.

- солиқлар хазинага - давлат бюджетига тушади. Солиқлар давлат эҳтиёжлари учун тақсимланадиган миллий даромаднинг маълум бир қисмидир. Солиқлар воситасида жисмоний ва юридик шахсларнинг пул даромадларининг маълум бир қисми умумжамият аҳамиятига эга бўлган эҳтиёжларни молиявий таъминлаш учун давлат ихтиёрида марказлаштирилади.


- солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Солиқлар тизимлаштирилган ҳолда ундирилади ва улар узоқ давр мобайнида барқарор равишда хўжалик механизмнинг алоҳида элементи сифатида амал қилади.

- давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига манзилли равишда тўлиқ қайтмайдиган эквивалентсиз пул тўловидир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлатнинг кўзга кўринмайдиган хизматлари учун тўланадиган ҳақдир яъни (Миллий хавфсизлик, ҳуқуқий тартибга солиш, сиёсий ҳокимият фаолияти, ижтимоий – иқтисодий инфратузилма тизимларини шакллантириш ва бошқалар).

Солиқларнинг моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узок муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади. Солиқларнинг объектив зарурлиги - давлатнинг бажарадиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Давлатнинг жамиятдаги бажарадиган вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи вазифалар йўқола борса, баъзиларига эҳтиёж туғилиши натижасида пайдо бўлади.

1.1.1 - расмга кўра солиққа тортиш объекти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи ҳамда харажатлари объект бўлиб, ҳисобланади. Солиқларни ундириш усуллари бўйича 2 турга бўлинади. Бевосита ва билвосита.

Бевосита солиқларга даромад, мулк солиқлари киради. Билвосита солиқларга акциз, ққс ва божхона божлари киради. Билвосита солиқларни тўловчилар истеъмолчилар ҳисобланди. Солиқ миқдорини белгилаш бўйича пропорционал, прогрессив ва регрессив солиқларга бўлинади.



1.1.1-расм. Солиққа тортиш объекти, солиқларни ундириш усуллари, солиқ миқдорин белгилаш усуллари²⁶

Умуман ҳар бир солиқ тури ўзининг иқтисодий хусусияти ва амал қилиш механизмлари бўйича алоҳида аҳамиятга эга.

Оборотдан олинadиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз

²⁶ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин, оборот тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаригидек маҳсулот реализацияси оборот эмас, балки маҳсулотни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солиқлар ва бошқалар киритилади. Бу гуруҳ солиқларга ижтимоий ободонлаштириш ва инфратузулмани ривожлантириш солиғи ҳам киритилади.

Мол - мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол - мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи бошқалар киради.

Ўзбекистонда солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш томойиллари ва усулларини ўрганади.

Солиқ элементларига қуйидагилардан иборат:

1) Солиқ субъекти –бу солиқ мунособатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ мунособатларида фақат солиқ тўловчиларгина эмас балким, солиқ ундирувчи (солиқчи) ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради, яъни давлат номидан махсус ташкилот қатнашади. Бу ишни Давлат солиқ қўмитаси бажаради. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилади.

2) Солиқ объекти – бу солиқ солинадиган даромад, оборот ёки мулк ҳисобланади. Унга фойда, иш ҳақи, қўшимча қиймат, ер, мулк кабилар киради. Объект доимо субъект билан боғлиқ ва субъектга қарашли бўлади. Солиқ субъектисиз объект бўлмайди. Масалан ҚҚСда объект орттирилган маҳсулот оборотидир, даромадга солинадиган солиқда даромад, мол-мулк солиғида мулк қиймати, ер солиғида ер майдони ва ҳоказолар.

3) Солиқ манбаи - бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам объекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда объектлар ҳар ҳил, манба эса даромад ҳисобланади.

4) Солиққи тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлигидир. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида квадрат метр ва ҳоказолар билан белгиланади.

5) Солиқ ставкаси - Объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрлар солиқ ставкаси дейилади. Солиқ ставкалари икки хил усулда ифодаланади: қатъий ва нисбий ставкалар. Қатъий ставкалар бу пул бирлигида ифодаланган ставкалар бўлса (сўм, рубль, ва ҳ.к.), нисбий ставкалар фоизларда (%) акс эттирилади. Бозор иқтисодиётга ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Агар ставка сўмларда ҳисобга олинса, солиқлардан тўшган бюджет даромади йил охирига келиб ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин. Солиқ ставкалари усулларида ташқари, Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги бўйича солиқ ставкаларини қуйидаги турлари мавжуд:(1.1.1-расм)

- пропорционал;
- прогрессив;
- регрессив ставкалар;
- нолли.

Пропорционал солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар бир хил улушдаги солиқ тўланади. Масалан; ҚҚС бўйича оборот 10 минг сўм бўлса ҳам, 100 минг сўм бўлса ҳам, 1 млн сўм бўлса ҳам 20% солиқ олинади. Ёки юридик шахсларнинг асосий фондларини қиймати қандай бўлишидан қатъий назар ундириладиган мол-мулк солиғи 3,5 % ташкил этади.

Прогрессив солиқ ставкада эса даромад объекти кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу солиқ ставкаси мамлакатимизда фақат жисмоний шахслар даромадидан солиғда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда солиқ тизими тузилмаси



1.1.2 – расм. Ўзбекистонда солиқ тизими тузилмаси²⁷

Регрессив солиқ ставкалар даромад ошиб бориши билан солиқ ставкалари камайиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни талаб этади. Четга экспорт товарлар чиқариб, қатъий валюта тушумига эришганлар иқтисодий жиҳатдан қизиқтирилади, яъни жами ишлаб чиқарилган маҳсулот сотишдан тўшган даромаддан озод қилинади. Бу 2000 йилнинг 1 июльдан бошлаб кучга кирган.

²⁷ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Нолли ставкалар солиқларни ташкил этишни чет эл тажрибасига мослаштириш мақсадида ҚҚС бўйича яъни экспортга товарлар юборганда, кишлоқ хўжалиги учун ёқилғи - мойлаш материаллари ва ўғитлар жўнатганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортганда солиқ тортиш нолли ставкада белгиланди. Шу маҳсулотлар бўйича солиқ тўламаслик жорий этилди.

Республикамизда шакллантирилган солиқ тизими жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган тизимлар билан уйғунлаштирилган ҳолда шакллантирилган. Шунингдек, миллий солиқ тизимимиз ҳалқимизнинг узок йиллар мобайнида шаклланган миллий анъаналари, миллий қадриятларимиз билан ҳам бойитилган.

Солиқларнинг мазкур туркумланиши, уларнинг турли даражадаги бюджетлар учун даромад манбаси сифатида бириктирилишига асосланади. Умумдават солиқлар Республика бюджетининг даромадлар манбаси ҳисобланувчи солиқлардир. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаси ҳисобланувчи солиқлардир.

Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши уларнинг турли даражадаги бюджетларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш имкониятларига асосланади.

Маълумки, мамлакат молиявий сиёсатида асосий ўринлардан бирини солиқлар эгаллайди. Ҳукумат қонунчилиги асосида белгиланган солиқларни ўз вақтида ва тўлиғича ундириб олишлик давлат бюджети даромадларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Солиқлар ўзинингасосий функциялари орқали солиқларнинг ундирилувчанлигига таъсир кўрсатади.

Давлат ўз вазифаларини амалга ошириши жараёнида солиқлар ва бюджет тизимларининг функциялари ва вазифалари алоҳида аҳамият касб этади. Шундай қилиб, иқтисодий категория сифатида солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради:

- фискал;
- тартибга солувчи;

- рағбатлантирувчи;
- назорат;
- солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси;

Солиқларнинг фискал(хазина) функцияси-давлат бюджети даромадларининг асосий манбаси сифатидаги хусусиятларига асосланган. Аммо ҳаддан зиёд даромадларни марказлаштиришга йўналтирилган солиқларнинг фискал функцияси иқтисодиётни издан чиқишига олиб келади. Айрим иқтисодчилар, солиқларнинг хазина функциясини тўлиқ ва кенг маънода тақсимлаш функцияси, деб эътироф этишади.

Солиқлар ўзининг иқтисодий моҳияти, бюджетга келиб тушиш хусусияти, солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари бўйича таснифланади. Масалан, иқтисодий моҳияти бўйича эгри ва тўғри солиқларни туркумлашимиз мумкин. Бизга маълумки, солиқларнинг асосий манбаси янгидан яратилган қиймат ва бирламчи тақсимлаш жараёнида ҳосил бўладиган даромадлар: фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ссуда фоизи, рента ва дивидендлар ҳисобланади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда амалдаги солиқ тизимида бир қатор солиқлар амал қилади.

Солиқларнинг тартибга солиш функцияси – бозор иқтисодиёти шароитида ушбу функция муҳим ҳисобланади. Давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитларини тартибга солади ва бу билан иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян солиқ муҳитини яратади. Ушбу функция орқали давлат солиқ тизимида таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлайди, шунингдек, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси – солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан ҳисобланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий хомашё ресурслари, шунингдек, молиявий ва меҳнат ресурслари,

жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Шунингдек, молиявий аҳволни яхшилайти, инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбат яратади.

Солиқларнинг назорат функцияси – солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар ва бошқаларни тегишли солиқ кўрсаткичларини ҳисоботларини текширишда анча мураккаб жараён сифатида қаралади. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Солиқларни ҳисоблаш жараёнида ахборот билан таъминлаш функцияси-ушбу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқ тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий – иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб бориш муҳимдир²⁸.

Солиқларнинг функцияларини кўриб чиқиб қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Бозор иқтисодиётида солиқ молия ресурсларини жамлаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиб туриш ва даромадларни ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга қайта тақсимлаш юзасидан муҳим вазифаларни бажарди. Пухта ишлаб чиқилган, аниқ амал қиладиган солиқ тизими ижтимоий йўналтирилган самарали бозор иқтисодиёти ривожлантиришнинг асосий омили эканини кўришимиз мумкин.

Бюджетнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти унингт функцияларида яққолроқ намоён бўлади. Бюджет - молия соҳасида қатор илмий ишларни амалга оширган профессор Г. Романовский бюджетнинг бажарадиган функциялари сифатида бюджет фондини шаллантириш, бюджет фондидан фойдаланиш ва назорат каби элементларни талқин қилади. Моҳиятига кўра давлат бюджети мамлакат молия тизимининг таркибий

²⁸ А. Ваҳобов, А. Жоъраев “Soliq va soliqqa tortish” “Sharq” Nashriyoti-matbaa Aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati Toshkent-2009

қисми бўлиб, шунга мос равишда молия тизимига доир барча белги(хусусият)ларга эга ва унга тегишли бўлган барча функцияларни бажаради.

Ягоналик ва юқори даражада марказлашув давлат бюджетининг муҳим хусусиятларидандир. Турли маъмурий-худудий бюджетлар кўплигига карамасдан, уларнинг барчаси қуйи бўлинмаларнинг юқори бўлинмаларга кетма-кет бўйсинишига риоя қилган ҳолда ягона давлат бюджетига бирлашади.

Шунингдек, ҳозирги шароитда бюджет воситасида миллий даромаднинг сезиларли қисми қайта тақсимланиб, молиянинг бошқа ҳеч қайси бўғини тармоқлар, ҳудудлар ва иқтисодиётнинг соҳалари, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий даражаларида маблағларни бундай йирик миқдорда қайта тақсимлаш имкониятига эга эмасдир.

Бозор муносабатлари шароитларида миллий даромаднинг тақсимланиши пул даромадлари ва жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш воситасида амалга оширилади. Бундай даромадларга аввало давлат даромадлари, корхона ва ташкилотлар даромадлари, турли тижорат таркиблари, молиявий институтлар ҳамда аҳоли даромадлари киради.

Миллий даромадни сезиларли қисми давлат, хусусий ва тижорат корхоналари даромадларини солиққа тортиш воситасида бюджет фондига тўғридан-тўғри тақсимлаш йўли билан келиб тушади. Аҳолини соф даромадларининг бир қисмини бюджетга қайта тақсимлаш тартибида келиб тушади.

Бюджетга таъсир кўрсатувчи объектив омилларга жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамиятнинг ривожланиш даражаси, миллий даромаднинг қай даражада тақсимланиши каби омиллар киради. Субъектив омилларга эса давлатнинг шакли, ўтказилаётган ислохотлар ва сиёсат йўналишлари киради. Бюджет даромадлари ва харажатлари ижтимоий тузумларда турли кўринишларга эга бўлган. Собиқ социалистик тузумдаги

бюджет муносабатларини кўздан кечирадиган бўлсак, бюджет даромадлари давлат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар ва давлат мулкидан келадиган даромадлар ҳисобига шаклланади. Бундай ҳолат молия – бюджет тизимини бошқаришда иқтисодий механизмлардан фойдаланиш имкониятини бермай қўяди, яъни унда хўжалик субъектларининг манфаатдорлиги паст бўлиб турли имтиёзлар ва рағбатлантиришларнинг фойдаси унчалик бўлмайди.

Мустақиллик йилларидаги иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва миллий даромад тақсимланишида бюджетнинг ҳам роли ўзгарди. Бозор иқтисодига ўтиш ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишни талаб қилади, шу жумладан иқтисодий соҳада бозор муносабатларининг ташкил топиши, турли мулкчилик шаклланиши, ўтиш даврида Ўзбекистон Республикасининг олдида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, Ўзбекистонни дон ва ёқилғи – энергетика мустақиллигига эришиш масалалари, халқ хўжалигида чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш лозимлиги, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотларнинг гарови эканлиги, буларнинг барчаси бюджет ва молия сиёсатида тубдан ўзгаришлар қилишни талаб қилади ва давлат бюджети харажатлари тузилишини белгилайди.

Давлат бюджети орқали миллий даромаднинг бир қисми тақсимланиши жамият ижтимоий ҳаётининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тармоқлари ўртасида маблағларни тақсимлаш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа ялпи эҳтиёжларини қондириш учун марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш зарурати билан боғлиқдир. Давлат бюджетининг функциялари тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида турли мунозаралар мавжуд. Л.А. Дробозина Давлат

бюджетининг моҳиятини ёритишда унинг қўйдаги функцияларини кўрсатиб ўтади²⁹:

- ЯИМ қийматини қайта тақсимлаш функцияси;
- назорат функцияси;
- иқтисодий бошқариш функцияси;
- ижтимоий функцияси.

ЯИМ қийматини қайта тақсимлаш функцияси ЯИМ тақсимотида исътемолад ва жамғарма фондлари ташкил этилади ва бу тақсимот жараёнида исътемолад фонди тахминан 75 фоизини ташкил этади. ЯИМ қайта тақсимоти қўйдаги объектлар ўртасида амалга оширилади:

- Ишлаб-чиқариш ва ноишлаб-чиқариш соҳалари ўртасида;
- иқтисодий ҳудудлар ўртасида;
- давлат билан аҳолии ўртасида.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги тақсимоти, ЯИМ асосан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда тижорат асосида фаолият юритадиган ноишлаб чиқариш соҳаларида (тижорат бошқармалари, алоқа, транспорт ва бошқалар) шаклланади. Давлатни иқтисодий ривожланишини таъмирлаш учун ноишлаб чиқариш соҳаларига харажатлар қилинади. Соғлиқни сақлаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, мутахассис кадрларни таёрлаш, мамлакат мудаффа қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа харажатлар марказлашган тартибда (давлат миқёсида) амалга оширилади. Шунинг учун, ЯИМ бир қисми Давлат бюджетининг харажатлар тизими орқали ЯИМ яратмайдиган соҳаларга қайта тақсимланади. Шунингдек, бюджет орқали ЯИМ тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар ўртасида қайта тақсимланади.

Бундай зарурият мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасидан келиб чиқади. Иқтисодий ҳудудлар ўртасидаги тақсимоти табиий ва меҳнат ресурсларининг мамлакат миқёсида нотекис тақсимланганлиги

²⁹ Л.А. Дробозина «Финансы» М.:»ЮНИТИ» 2005. стр.111.

айрим ҳудудларга давлат томонидан махсус иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунда марказлашган давлат даромадларидан, хусусан Давлат бюджетидан маҳаллий бюджетларга трансфертлар ажратилади. Масалан, Қорақалпоғистон Республика бюджетига экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан турли трансфертларнинг ажратилиши.

Давлат ва аҳоли ўртасидаги тақсимот. Аҳолидан олинадиган солиқлар ёрдамида давлат орқали ЯИМ маълум қисмини қайта тақсимлаш амалга оширилади. Бунда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заруриятларини ва бошқа умумдавлат талабларини кондириш мақсадида аҳоли даромадларининг маълум қисми шахсий мулкчилигидан умумийликка ўтиши содир бўлади. Бундан ташқари, аҳолининг алоҳида табақаларига турли хил қулайликлар яратилади. Бюджет маблағларини оқилона йўналишларда сарфланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, илмий техника ютуқларини ҳаётга жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Назорат функцияси ёрдамида давлат пул маблағи фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланишда иқтисодиётнинг таркибий бўғинларидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларини ўзида акс эттириши билан амалга оширилади. Шунингдек, бюджет кўрсаткичларини кузатиш орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни боришини, кўзда тутилган режадан амалдаги четга чиқишларни кузатиб, ҳукумат оператив қарорлар қабул қилиши мумкин бўлади.

Иқтисодиётни бошқариш функцияси. Бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув шароитида, асосий ишлаб чиқариш кучлари хусусийлаштирилган. Лекин шундай иқтисодий тармоқлар, корхоналар ҳам мавжудки, уларни бюджет томонидан молиялаштириш, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлайди. Бюджет механизмлари орқали иқтисодиётни бошқариш давлат ихтиёрига келиб тушадиган пул маблағларини меъёрлаштириш орқали амалга оширилади. Кўпгина иқтисодчи олимларнинг фикрича, давлатни иқтисодиётга аралашishi иқтисодиёт ривожланишда

муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий соҳага ажратилган бюджет маблағларини асосий йўналишлари – ижтимоий соҳа, марказлашган инвестициялар, ижтимоий инфратузилмаларни молиялаштириш ва бошқаларга сарфланмоқда.

Ижтимоий функция – жамият ишлаб чиқариши ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида инсон омилига асосий эътибор берилмоқда. Жамиятда ноишлаб чиқариш соҳаларни маблағ билан таъминлаш, яъни молиялаштириш бюджет орқали амалга оширилади. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари, фан ва маданиятни ривожлантиришда бюджетнинг аҳамияти ортмоқда.

Мустақиллик йилларида Давлат бюджети иқтисодий ислохотларни амалга оширишда давлатнинг асосий молиявий қуроли сифатида йирик инвестицион лойҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, янги иш ўринларини барпо қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги аҳамияти кучайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг вазифалари ўзгариши бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ўз аксини топади. Умуман давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қисқартириш ва иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш шароитида бюджетнинг ЯИМга нисбатан салмоғи қисқариб бормоқда. Амалдаги бюджет ислохотлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида устувор соҳаларни қўллаб - қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун қулай молиявий иқтисодий имкониятлар яратиш, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

1.3. Ўзбекистонда давлат бюджет-солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари

Бюджет соҳасини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий вазифа мустақил давлатнинг ўз бюджет тизимини шакллантиришдан иборат


бўлган. Бу, биринчи навбатда, барқарор даромадларни шакллантириш ва давлат бюджетининг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган мустаҳкам қонуний ва меъёрий асос яратилишини талаб қилар эди. Ушбу мақсадда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бир қанча бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари тасдиқланган. 2000 йилда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда давлат харажатларини режалаштириш, унинг ижроси ва назорати жараёнлари аниқланиб, турли вазирлик ва идоралар, республика ва маҳаллий бошқарув идораларининг роли ва масъулият соҳалари аниқ чегараланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими 2 бўғиндан иборат бўлиб:

- Республика бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг ташкилий - таркибини қуйидаги (1.3.1-расмда) яққолроқ кўришимиз мумкин:

Мамлакат иқтисодиётини секин-аста ўзгартириш ва эркинлаштириш, бир қанча давлат вазифаларини хусусий секторга топширилиши давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, саноат янги йўналишларининг ривож ва хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, ҳамда мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва улушини ошиши мамлакат давлат бюджети даромадларини бир неча баробар кўпайтирди.



1.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими³⁰.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатини бугунга қадар такомиллашиб ҳамда мувофиқлашиб келгунига қадар даврни уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Бюджет-солиқ сиёсати ривожланишининг биринчи босқичи: Биринчи босқич мустақилликка эришганимиздан бошлаб, 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олиб, миллий давлат молияси тизимининг шаклланиш даври бўлиб ҳисобланади. Бу босқич миллий даромаднинг катта қисми давлат бюжетида мужассамлаштирилиб, давлатнинг миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчи ўрни билан тавсифланади. Бу даврда солиқ ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиёт пойдеворини шакллантиришга, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ривожлантиришга ва самарали ижтимоий ҳимоя тизимини яратишга қаратилган эди. Жумладан ун, шакар, гўшт, сут,

³⁰ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

чой, гуруч ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган товарлар учун давлат бюджетидан катта миқдордаги дотацияларнинг ажратилиши билан истеъмол нархлари кескин ошишининг олди олинди, аҳолининг ёрдамга муҳтож катламларининг эҳтиёжлари қондирилди ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга қадам қўйилди.

Бюджет –солиқ сиёсати ривожланишининг иккинчи босқичи: Иккинчи босқич 1994-1999 йилларни ўз ичига олиб, солиқ ва бюджет тизимининг барқарорлашуви ва тузилмавий жиҳатдан ривожланиши, ҳамда бюджет ижросининг ҳалқаро андозаларга ўтилганлиги билан тавсифланади. Бунда бюджет ижросининг миллий валюта - сўмда амалга оширилиши ва Солиқ кодексининг қабул қилиниши натижасида давлат молияси тизими моҳиятидан янги мазмун ва шаклга эга бўлди.

Солиқ сиёсатининг фундаментал масалалари бўлган солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар таснифланиши, солиққа тортиш методологиясининг асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар Солиқ кодексида аниқ ва равшан белгилаб берилди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро экспертлар текширувидан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий пойдеворига эга бўлди. Ўз навбатида Солиқ кодексида миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб берилди. Бу имтиёзлар қуйидаги мақсадларга қаратилди:

- Ички бозорда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- Экспортга мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- Қўшилган қиймат солиғидан озод этиш ва ягона ер солиғини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида ўрнини таъминлаш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш;
- Хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай молиявий шарт-шароит яратиш ва бошқалар.

Харажатлар нуқтаи назардан, давлат бюджетининг таркиби такомиллаштирилди, харажатларнинг ижтимоий йўналганлиги кучайди, кўплаб турдаги харажатларни дастурлар асосида молиялаштиришга ўтилди, маҳаллий бюджетларнинг роли ошди ва бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляцион услублари амалга татбиқ этилди.

1994-1999 йилларни камраб олган давлат молияси ривожининг иккинчи босқичига хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг солиқ ва бюджет сиёсати ўзининг самарадорлигини ҳаётда кўрсатди, мўътадил солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўсишига асос бўлди, оқилона бюджет сиёсати эса мамлакатда макроиктисодий барқарорликка эришишнинг молиявий пойдевори бўлди ва қолаверса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли манбаига айланди.

Бюджет-солиқ сиёсатининг ривожланишининг учинчи босқичи: Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг биринчи чақириқ XIV сессиясидаги ва иккинчи чақириқ I сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган бош стратегияси давлат молияси ривожининг учинчи босқичини бошлаб берди. Шунга биноан, солиқ ва бюджет сиёсатининг истиқбол йўналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- Иқтисодиётда давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш;
- Инфляцияни босқичма-босқич камайтириш ва уни йилига 6-8 фоизгача тушириш;
- Аҳоли даромадларининг узлуксиз ошишини таъминлаш;
- Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш ва бошқалар.

Шуларга кўра, 2000 йилнинг ўзидаёқ, солиқ сиёсатига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, юридик шахслар учун фойда (даромад)

солиғи ставкаси 33 фоиздан 31фоизгача, аҳоли даромадларига солиқнинг энг юқори ставкаси 45 фоиздан 40 фоизгача пасайтирилди. Ҳозирда 2013 йилда ушбу солиқ ставкалари мос равишда 9 фоизни ва 22 фоизни ташкил этмоқда. Экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита ўз маҳсулотини экспорт қилишдан оладиган даромадлари фойда солиғидан (кичик корхоналар ягона солиқ бўйича) озод қилинди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 25 фоиздан 50 фоизгача қисми экспортга жўнатилган тақдирда мулк солиғининг ярми тўланади, маҳсулотнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ қисми экспорт қилинганда эса корхоналар ушбу солиқдан бутунлай озод қилинадилар.

Шу билан бирга, молия бозорини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар миқдорини ошириш мақсадида давлат қимматли қоғозларини сотишдан тушадиган маблағларни жалб қилиш бюджет лойиҳасида кўзда тутилмаган. Кейинги йилларда бюджет- солиқ тизимидаги ислохотларнинг ижобий пировард натижалари сифатида 2005-2012 йилларда давлат бюджетининг профицит билан ижроси таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, инфляция жараёнининг меъёрдаги даражасини таъминланиши ислохотларни ҳозирги шароитида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг натижалари ҳисобланади.

Демак, юқоридаги маълумотларни ўрганиш мобайнида мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет тизимини амалга оширишда ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ичида ўзининг ривожланиш босқичлари ва ушбу соҳада амалга оширилаётган чуқур ўйланган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бериб келаётганлигини ҳозирги кунда мамлакатимизнинг юқори иқтисодий ўсишга эришиб келаётганлигидан кўришимиз мумкин.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ушбу соҳалари орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаш юзасидан ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга ҳам тур хилдаги рағбатлантиришлар ва

имтиёзларнинг берилаётганлиги ҳам ушбу солиқ ва бюджет тизими мамлакатнинг асосий таянч бўғинлари қаторидан ўзининг мустаҳкам ажралмас ўринга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

I-боб бўйича хулоса

I-бобга хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, солиқларнинг моҳияти ва уларнинг турлари, вазифалари, ва иқтисодиётдаги ўрни, шунингдек, давлат бюджети моҳияти, бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджетнинг функциялари ҳамда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги давлат бюджетини шакллантириш босқичлари ва шу каби солиқ ва бюджет тизимига оид назарий маълумотлар келтирилди.

Солиқ ва бюджет тизими мамлакат иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи кўрсаткичлардан эканлиги келтирилган. Шунингдек, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминланганлиги ҳам ушбу солиқ ва бюджет тизимини кўрсаткичларида яққол кўринади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ушбу тизимларнинг мустаҳкам назарий асослари яратилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Демак, юқоридаги маълумотларни ўрганиш мобайнида мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет тизимини амалга оширишда ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ичида ўзининг ривожланиш босқичлари ва ушбу соҳада амалга оширилаётган чуқур ўйланган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бериб келаётганлигини ҳозиргикунда мамлакатимизнинг юқори иқтисодий ўсишга эришиб келаётганлигидан кўришимиз мумкин.

II-БОБ. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ФИСКАЛ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Иқтисодиётни бюджет-солиқ тизими ёрдамида тартибланишнинг ўзига хослиги ва унинг турлари.

Бозор иқтисодиёти муаммоларига бағишланган илмий манбалардан, асосан хорижда амалга оширилган тадқиқотларда фискал сиёсатнинг назарий ва амалий жиҳатларига маълум даражада тўхтаб ўтилган.

Умуман олганда, давлатнинг фискал сиёсати циклик тебранишларни бир маромга келтириш ва юқори бандлик ҳамда паст инфляция шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиққа тортиш ва давлат харажатларини ўзида акс эттиради.

Ундан ташқари давлатнинг рағбатлантирувчи фискал сиёсати (фискал экспансия) қисқа даврда давлат харажатларини кўпайтириш, солиқларни пасайтириш ёки бу чораларни комбинациялаш йўли билан циклик таназзулни енгиб ўтиш мақсадида иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга йўналтиради. Узоқ даврда солиқлар пасайиши иқтисодиёт ўсиш суръатининг барқарор жадаллашуви ва иқтисодий салоҳият мустаҳкамлашгунча олиб келиши мумкин.

Давлатнинг турғун фискал сиёсати (фискал рестрикция) қисқа даврда иқтисодиётнинг “қизиб кетиш”ни бартараф этиш мақсадига эга бўлади. У давлат харажатларини тақозо этади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръати ва талаб инфляцияси суръатини пасайтиришга имкон беради.

Фискал сиёсатнинг иқтисодий мазмунига доир турли хил қарашларни таҳлил қилиш, аниқ иқтисодий-ижтимоий тизимлар шароитида амал қилиш хусусиятларини ҳамда давлатнинг иқтисодиётга самарали таъсир қилиш дастакларидан эканлигини асослаш ва миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини, аниқ иқтисодий

тамойилларини белгилаш учун зарурдир. Чунки давлат пайдо бўлиши билан фискал сиёсат жамиятдаги турли хил иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг зарурий таркибий қисмларидан ва жамият ривожланиши объектив равишда тақозо қиладиган талабларидан бири бўлиб келган. Давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос равишда молиявий сиёсат дастаклари ўзгариб, тўхтовсиз такомиллашиб боради. Инглизча вариантдаги сўз орқали кириб келган “фискал сиёсат” тушунчаси мамлакатимиз ва хориж адабиётларида турлича талқин қилинади, кўп ҳолларда “бюджет-солиқ”, “молия-солиқ” ва “молиявий сиёсат” деб юритилади.³¹

Давлат фискал сиёсати дейилганда – бу давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибий қисмини ўзгартириш орқали миллий иқтисодиётга таъсири тушунилади.

“Фискал” латинча **“fiscus”** сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади. Бу ўз навбатида “хазина сиёсати” деган тушунчани ҳам юзага келтиради. Фискал, яъни хазина сиёсатига инсоният тарихида ўтган йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темури катта эътибор қилган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан хазинани тўлдирувчи солиқларга таянган.

Бу даврнинг молияси иқтисодий тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлиб, у давлат бошқарувининг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаган. Аммо, молиявий муносабатлар бу даврда ўз ривожига юқори даражага етмаган бўлиб, у аҳоли солиқ тўловига нисбатан фақат ўз моҳиятини хазинада топган. Хазина ҳар қандай тизимда ҳам давлатни бошқариш воситасида бўлиб хизмат қилган бўлсада, шу билан биргаликда унинг моҳияти ўша даврлардаёқ аҳоли манфаатларини қондиришда намоён бўлган.

Шу боис “Темур тузуклари”да “давлату салтанат уч нарса билан: мулк,

³¹ Қаранг: Молия сиёсати, солиқлар ва солиққа тортиш. Таҳрир кенгаши Беганов В. ва бошқ. Т.Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998; Шодмонов ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.ДИТАФ 2001; Носова С.С. Экономическая теория: краткий курс. Учеб.посоия.-М.:Гуманит. Изд. Центр Владос, 2001.

хазина ва лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг учаласини яхши ахволда саранжом тутади” - деган фикр илгари сурилади.

Фискал сиёсатдан иқтисодиётни тартибга солиш ва унинг мувозанатлигини таъминлаш дастаги сифатида фойдаланиш ҳақидаги фикр инглиз иқтисодчиси Д.М.Кейнсга мансубдир.³² У жамият тараққиёт даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг 3 гуруҳини ажратиб кўрсатиб, биринчи гуруҳни бошланғич омиллар: ишчи кучининг малака даражаси ва миқдори, мавжуд ускуналар сони ва сифати, тадбиқ этиладиган технология, рақобат даражаси, истеъмолчининг диди ва одатлари, турли жадалликдаги меҳнатнинг оғирлиги, назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг аҳамияти, шунингдек жамиятнинг ижтимоий тузилиши ташкил этади. Ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда Д.Кейнс ўз эътиборини иккита бошқа гуруҳга ҳам қаратади. У иккинчи гуруҳга мустақил ўзгарувчан омилларни: истеъмолга мойиллик, капиталнинг энг кўп самарадорлиги ва фоиз нормасини, учинчи гуруҳга – қарам омилларни: бандлик ва миллий даромад ҳажмини киритган.

Д.Кейнс давлат аралашув вазифасини мустақил ўзгарувчан омилларга ажратиб, улар воситасида эса бандлик ва миллий даромадга таъсир кўрсатилади деб билган. Бунда ҳал қилувчи шарт сифатида фискал ва пул кредит сиёсати инвестицияларни рағбатлантиришда намоён бўлади, деб кўрсатади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ғарб иқтисодчи олимларининг аксарияти фискал сиёсатнинг “моҳиятини” кўрсатиш ўрнига “аҳамиятини” ёки уни тараққиётда тутган “ўрнини” изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилишган. Бу эса солиқлардан хазинани тўлдирувчи омил сифатида фойдаланишга сабаб бўлиб, натижада солиқ оғирлигининг аксарият қисми аҳоли зиммасига тушган.

Одатда ғарб олимларининг қарашларида фискал сиёсатнинг моҳиятига уларнинг функциялари орқали таъриф берилмайди, балки давлатнинг

³² Кейнс Д.М. “Общая теория занятости, процента и денег”-М.:Прогресс. 1978. Стр. 449

солиқлардан фойдаланиш йўналишлари қараб чиқилади. Аввало, солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл билан С.Брю ўзларининг ишларида белгилаб берганлар.

Шу билан бирга улар амалга оширилиши мумкин бўлган фискал сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ҳал этиладиган вазифалардан келиб чиқиб, рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи сиёсатлар сифатида ифодалашга алоҳида эътибор қилишган.

“Фискал сиёсатнинг асосий мақсади, -деб ёзишади улар, ишсизлик ва инфляцияни тугатишдан иборатдир. Таназзул даврида кун тартибида рағбатлантирувчи фискал сиёсат тўғрисидаги масала пайдо бўлади.

У қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) давлат харажатларининг кўпайиши ёки (2) солиқларнинг пасайиши, ёхуд (1) ва (2)ни бирга қўшиб олиб бориш.

Аксинча, агар иқтисодиётда ортиқча талаб туфайли пайдо бўлган инфляция содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат мос келади. Тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) ҳукумат харажатларининг камайиши, ёхуд (2) солиқларнинг кўпайиши, ёхуд (1) ва (2)нинг бирга қўшиб олиб борилиши. Фискал сиёсат башартида иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат қилиш муаммоси турадиган бўлса, ҳукумат бюджетининг ижобий қолдиғига таяниши лозим”³³.

Бу фикрларда биз учун муҳими иқтисодий ривожланиш мақсадларининг ўзгарувчанлиги ва шунга мос равишда фискал сиёсатнинг йўналишларини мувофиқлаштирувчи ҳулосаларни учратамиз холос.

Ҳозирги замон давлат молиясига тегишли иқтисодий таълимотларни тўлақонли очиб бериш учун, дастлаб ғарб иқтисодчилари томонидан XIX-XX аср бошларигача бўлган даврда амалга оширилган тадқиқотларни атрофлича таҳлил қилиб чиқиш зарур. Чунки, уларда бозор иқтисодиёти вужудга келишининг дастлабки давридаги умумий қонуниятлари ва ғарб давлатлари

³³ Макконелл Б., Стенла Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика пер.с англ., 2т, Изд. «Республика», 1992.

миллий иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси ҳамда хусусиятлари мужассамлашган. XX асрнинг 20-йиллари охирларига келиб, бу давлат молия сиёсатининг негизида неоклассик оқим вакиллариининг концепцияси ётган бўлиб, уларнинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган: давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги; эркин рақобатни сақлаш, хўжалик фаолияти жараёнларини тартиблашда бозор механизмидан самарали фойдаланиш.

XX асрнинг 20-30 йилларида бу иқтисодий назарий концепцияларни реал иқтисодий талаблардан келиб чиқиб янада атрофлича қараб чиқиш зарурияти туғилди.

Давлат монополистик капитализмининг ривожланиши оқибатида, 30-60 йилларга келиб молиявий сиёсат негизида асосан кейнсчилик ва неокейнсчилик оқим мактабларининг иқтисодий концепциялари жой олди.

Кейинчалик йўналишнинг асосчиси Д.М.Кейнснинг молиявий концепциясида қуйидаги асосий йўналишлар устуворликни эгаллади:

1. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча муҳим муаммоларини ресурслар таклифини ўрганиш билан эмас, балки ресурсларнинг сотилишини таъминловчи талаб нуқтаи назаридан қараб чиқиш зарур;

2. Капиталистик иқтисодиёт ҳар доим ҳам ўзини ўзи тартибга солишга лаёқатли эмас. Шундай экан, меҳнат ва капитал юқори даражада умумлашган шароитда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви муқаррардир. Бунда давлат томонидан тартибга солишни иқтисодиётни баҳолаш ёрдамида тартиблаш механизми орқали тўлдириб бориш зарур;

3. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келаётган ортиқча ишлаб чиқариш, иқтисодий беқарорлик ҳолатларининг, инқирознинг сабаби талабнинг етишмаслигидандир, шундай экан иқтисодиётдаги мувозанатликни таъминлаш муаммосини талаб нуқтаи назаридан ечиш зарур. Бунинг учун Кейнс “самарали талаб” атамасини киритадики, у даромад ва бандлик, истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанатликни ўзида

мужассамлаштиради;

4. Давлатнинг иқтисодий тартибга солишдаги муҳим дастаги бу бюджет сиёсатидир. Давлат бюджети ва молиявий сиёсатнинг асосий мақсади ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ускуналарининг бандлигини таъминлашдан иборатдир³⁴.

Давлат томонидан иқтисодийнинг циклик ривожланиши ва кризисларни бартараф этишдаги асосий дастаги бу – давлат харажатларидир. Кейнснинг фикрича, уларнинг шаклланиши, тузилиши ва ўсиш, “самарали талаб”га эришишдаги муҳим омилдир.

Шундай қилиб, Кейнс давлат монополистик капиталистик иқтисодий тартибга солишда янги молия назариясининг устувор йўналишини ишлаб чиқди. Молиявий сиёсат Кейнс издошлари томонидан (Америкада – Р.Харрод, А.Оукен, У.Хеллер, Буюк Британияда – Ж.Вайсман, Францияда – Ф.Перру, Японияда – К.Эми, Х.Итолар) амалиётга жорий этилди. Бу 40-60 йилларда иқтисодий тартибга солишда ижобий натижаларни берди. 70-йилларгача кўпчилик етакчи ғарб давлатларнинг молия назарияси ва амалиёти асосида Кейнс назариясининг қоидалари ётади.

Неоконсерваторлар Кейнс таълимотининг айрим камчиликларини топиб, унга қарши ўз концепцияларини илгари сурадилар. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

- Неоконсерваторлар Кейнс концепциясида инфляциядан ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтиришда фойдаланиш тўғрисидаги фикрига қарши ўзларининг муомаладаги пул миқдорини камайтириш ҳақидаги ғояларни илгари суришди;

- Улар солиқларнинг тез ўсишига қарши чиқиб, бу ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг моддий манфаатдорлигини сусайтириб юборишини кўрсатиб ўтадилар ва таклифни ривожлантириш орқали истеъмолчилик талабини мувозанатлаштириш, солиқларни рационал даражада пасайтириб, эркин хусусий тадбиркорлик ва бозор рақобатини

³⁴ Кейнс Дж.М. общая теория занятости, процента и денег – М.; Прогресс, 1978 стр. 142

ривожлантириш тадбирларини таклиф этадилар;

- Кейнс концепцияси танқидчилари давлатнинг иқтисодиётга аралашувиغا қарши чиқиб, давлат фақатгина айрим хизматлар, хўжалик фаолиятини ҳимоя қилиш билан чекланиши керак, деган фикрни илгари сурадилар.

Шундай экан, фискал сиёсат олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, унинг учта йўналиши, яъни иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёсатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.



1-чизма

Фискал сиёсат, унинг мақсади ва амалга оширишнинг иқтисодий дастаклари

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб, фискал сиёсат бандлик даражасини ва шу орқали ЯИМ реал ҳажмини оширишга йўналтирилади. Бунда

рағбатлантирувчи фискал сиёсат дастаклари бўлиб:

- Давлат харажатларининг ўсиши;
- Солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади;

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда давлат бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсат иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсадларига қаратилиши зарур.

Агар давлат ўзининг фискал ва харажатлар сиёсатидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир меъёрга ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда у иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёсат, деб қараш кўп ҳам тўғри эмас, чунки улар турлича мақсадни кўзлаб бир-биридан фарқланадилар.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятини чегаралаш сиёсати ўз навбатида потенциал даражасидан кескин фарқ қилаётган реал ЯММ ҳажмини камайтиришга йўналтирилган бўлиб, бу айтиш вақтда давлатнинг иқтисодий ўсиш ва унинг пасайиш давлари инфляция ва такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги инқирозлардан қочишга қаратилган ҳаракатдир.

Ҳозирги шароитда давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги вазифаларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Фискал сиёсат концепциясининг илмий асосли ёндашувини ишлаб чиқиш. Бу аҳоли истеъмол даражаси, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олишни тақозо қилади;

2. Жорий даврда ва узоқ истиқболда молиявий воситалардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш. Бунда фискал сиёсатнинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шу билан биргаликда кўриб ўтилган мақсадлардан келиб чиқиб, молиявий ресурсларнинг қисқариши ва ўсиш имкониятлари ҳисобга олинади, ташқи ва ички сиёсий-иқтисодий омиллар ҳам ўрганилади;

3. Амалий ҳаракатлар натижасида фискал сиёсат соҳасидаги қўйилган

мақсад ва вазифаларга эришиш. Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодиётга молиявий сиёсатнинг тўғридан-тўғри таъсири фақатгина шу босқичдан бошланади, бироқ унинг самарадорлиги олдинги икки босқичнинг мазмуни билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг цикли ривожланишини тартибга солиш орқали макроиқтисодий мувозанатликни таъминлаб боришга қаратилган фискал сиёсат бир қатор молиявий восита ва иқтисодий дастаклар ёрдамида амалга оширилади. Қўлланиладиган бу барча молиявий восита ва дастаклар биргаликда тартибга солишнинг молиявий механизмини ташкил қилади.

Маълумки, иқтисодиёт назарияси ва амалий ҳаётда фискал сиёсатнинг иккита тури ажратилади:

1. Дискрецион фискал сиёсат ёки бевосита давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсат;
2. Недискрецион фискал сиёсат ёки автоматик равишда барқарорлаштирувчи сиёсат.

Недискрецион фискал сиёсат деганда, солиқ интизомининг мустақил барқарорлаштирувчи бир қатор лаёқатлари, яъни унинг мамлакатдаги иқтисодий фаолиятни қандайдир бошқарувчи органларнинг бевосита аралашувларсиз тартибга солиш имкониятини берувчи айрим хусусиятлари тушунилади. (1-чизма).

Буни қуйидаги вазият орқали қараб чиқамиз. Ишлаб чиқаришнинг бирданига ва тез ўсиш ҳолатини юмшатиш учун бюджет ортиқчалиги, яъни бюджет даромадлар қисмининг харажатлар қисмига нисбатан ортиқча бўлиши зарур. Бошқа томондан эътибор қаратилса, бундай “юмшатиш” учун аксинча, бюджет камомади мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқтисодиётни тартибга солишни фақат автоматик равишда барқарорлаштирувчи воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас, шу сабабли давлатнинг дискрецион сиёсати бунга зарурий тўлдирувчи ҳисобланади.

Дискрецион фискал сиёсат – бу миллий ишлаб чиқариш реал

ҳажмларни ўзгартириш, бандлик даражасини ушлаб туриш ва инфляция устидан назоратни ўрнатиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқлар билан бирга, давлат харажатларини онгли равишда манипуляция қилиш тушунилади.

Дискрецион фискал сиёсатнинг асосий дастаклари қуйидагилар ҳисобланади:

- Фақат сарф-харажат билан боғлиқ бўлган ижтимоий ишлар ва бошқа дастурлари;
- Давлат буюртма ва харидлари;
- Давлат инвестициялари;
- Трансферт ёки қайта тақсимлаш туридаги харажатларни ўзгартириш;
- Солиқларни бошқариш;

2.2. Ўзбекистонда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари

таҳлили

Мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири бу давлат бюджети ҳисобланади. Давлат бюджетининг таркибий қисмларини бюджет даромадлари ва харажатлари ташкил қилади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларининг дастлабки йилларидан бошлаб бюджет ислохотларини жадал суръатларда олиб борди. Бюджет соҳасини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий вазифа мустақил давлатнинг ўз бюджет тизимини шакллантиришдан иборат бўлган. Бу, биринчи навбатда, барқарор даромадларни шакллантириш ва давлат бюджетининг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган мустаҳкам қонуний ва меъёрий асос яратилишини талаб қилар эди. Ушбу мақсадда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бир қанча бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари тасдиқланган. 2000 йилда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда давлат

харажатларини режалаштириш, унинг ижроси ва назорати жараёнлари аниқланиб, турли вазирлик ва идоралар, республика ва маҳаллий бошқарув идораларининг роли ва масъулият соҳалари аниқ чегараланган.

Мамлакат иқтисодиётини секин-аста ўзгартириш ва эркинлаштириш, бир қанча давлат вазифаларини хусусий секторга топширилиши давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, саноат янги йўналишларининг ривожига ва хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, ҳамда мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва улушини ошириш мамлакат Давлат бюджети даромадларини бир неча баробар кўпайтирди.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиш жараёнида давлатнинг жамиятдаги вазифаларини бажариши учун мақсадли равишда шакллантирилган марказлаштирилган пул фонди бўлиб ва мамлакатда яшочи барча аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифода этади.

2015-йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Мамлакатимизда солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилганига қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлар тўлиқ бажарилгани, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди.

2000-2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини -1 фоиздан -0,4 фоизга пасайтириш, 2005-2015 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам берилди.

Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2015 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадларининг харажатлардан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,1 фоизи даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ислоҳ этиш ва

эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг 2005–2015 йиллардаги давлат бюджети даромадлари ва харажатлари динамикаси эътибор берадиган бўлсак, сўнги 11 йил мобайнида мамлакатимиз давлат бюджети даромадларининг харажатларига нисбатан кўп бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатимиз давлат бюджетини шу йилларда профицит билан бажаришини таъминлаган. Умуман олганда мамлакатимиз давлат бюджетининг умумий миқдори ошиб борган бўлиб, 2005 йилга нисбатан 2015 йилда 4,2 марта ошган.

2.2.1– жадвал

Ўзбекистоннинг 2005-2015 йилларда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари динамикаси

Йиллар	ЯИМ млрд. доллар.	Даромадлар млрд. доллар	ЯИМ даги улуши %	Харажатлар млрд. доллар	ЯИМ даги улуши %	Профицит (дефицит) млрд. доллар .	ЯИМ даги улуши %
2005	13,06	3,08	23,6	3,07	23,5	0,01	0,1
2006	16,72	3,68	22,0	3,60	21,5	0,08	0,5
2007	22,31	4,92	22,1	4,60	20,6	0,32	1,4
2008	28,61	6,64	23,2	6,21	21,7	0,43	1,5
2009	32,81	7,39	22,5	7,34	22,4	0,05	0,2
2010	38,89	8,56	22,0	8,44	21,7	0,12	0,3
2012	46	10,5	22,8	10,3	22,4	0,2	0,4
2015	61	12,9	21,1	12,8	20,9	0,08	0,1

Демак, мамлакатимиздаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида давлат бюджетининг аҳамияти алоҳида ўринга эга эканлигини таҳлил жараёнида кўришимиз мумкин экан. Ҳозирги кунда бюджетнинг мустаҳкам даромад манбаига эга бўлиб бораётганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритиши учун мустаҳкам

базани яратилганлиги ҳамда уларга солиқ имтиёзларининг берилиб борилаётганлиги бюджет даромадларининг мустаҳкам манбаси шаклланди.

Давлат бюджети харажатлари том маънода давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг молиявий мазмунини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг кейинги йиллардаги таркибий таҳлиллари кўрсатадики, харажатлар номинал мазмунда (мутлак кўрсаткичларида) ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Лекин, унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бир қаторда, давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асослари шакллантирилаётганлигидан далолатдир.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари йил сайин ошиб борган. Кейинги 5 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибида ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар 2011 йилда 58,2 фоиздан 2015 йилда 59,1 фоизгача ўсиб борган. Ушбу ҳолат жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида, республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг узок, стратегик аҳамиятга эга эканлигидир. Шунингдек, ушбу харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга, уларнинг давлат бюджети харажатларидаги энг юқори салмоқни ташкил этмоқда.

2.2.1-жадвал.

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби³⁵

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	Млрд.	%	Млрд.	%	Млрд.	%	Млрд.	%	Млрд.	%
	сўм		сўм		сўм		сўм		сўм	
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	16802	100	21190	100	26312	100	31582	100	37967,7	100

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш харажатлари	9723	58,2	12338	58,3	15573	59,2	18873	59,7	22457,0	59,1
Иқтисодиёт харажатлари	1938	11,5	2338	11	2791	10,6	3385	10,7	4119,7	10,1
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1037	6,1	1174	5,5	1300	4,9	1500	4,7	1800	4,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	627	3,7	844	3,9	825	3,1	1000	3,1	1199,9	3,1
Бошқа харажатлар	3477	20,6	4495	21,2	5813	22,0	6903	21,8	8391,1	22,0

Иқтисодиёт харажатлари эса 2011 йилда 1938 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 11,5 фоизни ташкил этган. 2015 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 10,1 фоизни ташкил этган. Лекин, ушбу харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган.

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2011 йилда 1037 млрд. сўм, 2011 йилда 1037 млрд. сўм, 2012 йилда 1174 млрд. сўм, 2013 йилда 1300 млрд. сўмни, 2014 йилда 1500 млрд. сўмни ва 2015 йилда 1800 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2011 йилда жами бюджет харажатлари 3,7 фоизни, 2015 йилга келиб эса бу харажатлар 3,1 фоизни ташкил этмоқда. Демак, номинал мазмунда ушбу харажатлар қарийб 2 баробардан кўп ўсган бўлсада, уларнинг бюджет харажатларидаги салмоғи камайиб борган.

Юқоридаги жадвал кўрсаткичлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор эканлиги кузатилмоқда.

Ҳозирги шароитда давлат бюджети учун нисбатан юқори даражадаги молиявий юк бўлиб тушаётган ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари бир томондан аҳолининг кам таъминлаган қатламини ҳимоялаш молиявий асосини ўзида ифодалайди. Иккинчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда давлат бюджетининг аҳамияти ортиб бораётганлигини кўрсатиб бермоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалар каби харажатларни ўз ичига олади. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

2.2.2- жадвал.

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлар таркиби³⁶

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%	Млрд. сўм	%
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	9723	100	12338	100	15573	100	18873	100	22457,0	100
Таълим	5604	57,6	7163	58,1	8984	57,6	10765	57,0	12776,2	56,8
Соғлиқни сақлаш	2228	22,9	3027	24,5	3768	24,1	4495	23,8	5372,5	23,9
Маданият ва спорт	185	1,9	226	1,8	279	1,7	334	1,7	388,2	1,7
Илм-фан	109	1,1	139	1,1	173	1,1	199	1,0	245,3	1,0

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Ижтимоий таъминот	72	0,7	87	0,7	107	0,7	125	0,7	150,4	0,6
Оилаларга ижтимоий нафақалар	1383	14,2	1624	13,1	1839	11,8	2047	10,8	2279,8	10,1

Ушбу харажатларнинг таркибида, таълим соҳасига қилинаётган бюджет харажатлари 2011 йилда 5604 млрд. сўмни ташкил этиб, жами бюджет харажатларидаги улуши 57,1 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2012 йилги жами бюджет харажатларида 58,1 фоизни, 2013 йилда мос равишда 57,6 фоизни, 2014 йилда мос равишда 57,0 фоизни, 2015 йилда эса ушбу харажатлар 56,8 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган.

2011-2015 йиллардаги давлат молияси тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича ислохотлардаги муҳим қадамлардан бири бу – бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби жорий этилганлиги ва 2010 йилдан бошлаб ушбу тартибни республиканинг барча ҳудудларидаги мазкур муассасаларга татбиқ этилгани ҳисобланади. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг ушбу механизми бюджет муассасаларининг молиявий мустақиллигини оширилишини таъминлади ва харажатларнинг манзилли ва мақсадли сарфланиши учун шароит яратилишига олиб келмоқда.

2011-2015 йиллар мобайнида бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, биргина бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 2014 йилда 23,2 фоизга оширилди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов 2014 йилдаги эришилган натижаларга тўхталиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтган эди: “Иқтисодийтимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш

ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди”.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларни нафақат, юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадларини оширишни таъминлаш орқали мамлакат миллий иқтисодиётида ялпи истеъмол талабини рағбатлантиришда муҳим молиявий омил бўлиб ҳисобланмоқда. Бу ўз навбатида ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг тез ўзгариб бораётган халқаро бозорлардаги конъюнктуранинг салбий таъсиридан ўзига хос равишдаги “Иммунитети”ни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилаётир.

Демак, давлат бюджети харажатлари бир томондан ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг мустаҳкам молиявий манба бўлиб ҳисобланиши билан бирга, миллий иқтисодиётдаги ислохотларда давлатнинг бош ислохотчилик ролини бажаришида ҳам марказий ўринни эгаллапти. Ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизациялаш, соҳадаги ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда давлат бюджетининг аҳамияти ҳам юксак бўлмоқда.

Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловларига харажатлар;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондида мақсадли ажратмалар;

– ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар.

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлари таркибида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари жами бюджет харажатлари таркибида 2011 йилда 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 3,8 фоизни, 2012 ва 2013 йилларда 3,5 фоизни, 2014 йилда 3,4 фоизни, 2015 йилда эса 3,3 фоизни ташки этиши кўзда тутилган.

2.2.3- жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби, жамига нисбатан фоизда³⁷

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	11,5	11,0	10,6	10,7	10,8
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	3,8	3,5	3,5	3,4	3,3
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондида мақсадли ажратмалар	1,1	0,9	0,8	0,9	0,8
Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	0,8	0,7	0,8	0,9	0,6
Бошқа харажатлар	5,7	5,7	5,7	5,8	6,1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган. Ушбу дастур доирасида махсус фонд ташкил этилган бўлиб, ушбу фонд маблағларини шакллантиришга бюджетдан харажатлар амалга оширилмоқда. Ушбу фондга ажратмаларнинг 2015 йилдаги миқдори жами бюджет харажатларига нисбатан 0,8 фоизни ташкил этмоқда.

“Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар қуйидаги йўналишларда сарфланиши кўзда тутилган:

- фермер хўжаликларининг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлари, бошқа жорий мажбуриятлари, асосий маҳсулотларни етиштириш учун моддий-техника ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун қарзларини тўлашга;

- келгуси йил ҳосили учун сотиб олинadиган ресурслар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан тўловларга;

- ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Ушбу харажатларнинг жами бюджет харажатларидаги салмоғи 2015 йилга келиб 0,6 фоизни ташкил этмоқда. Умумий тенденцияда пасайиш кузатилаётган бўлса-да, номинал мазмунда унинг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларини оқилона бошқариш пировардида нафақат ижтимоий соҳадаги давлат ислохотларининг самарадорлиги ортмоқда, балки, ўз навбатида миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожланишини таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантириш имкониятларига эга бўлинади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ҳукумати томонида яқин истиқболга мўлжалланган давлат молиясини бошқариш тизимида ислохотлар амалга оширилмоқда ва унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетини режалаштириш тизimini янада такомиллаштириш. Бунда бюджетни ўрта муддатли режалаштириш тизimini жорий этиш ва натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг замонавий методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизimini янада ривожлантириш;

- маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг молиявий имкониятларини янада оширишдир;

Ушбу яқин истиқболга мўлжалланган ислохотларни амалга оширишда, қуйидаги айрим принциплар масалаларга эътиборни қаратиш лозимдир:

Биринчидан, бюджетни режалаштиришнинг амалдаги тизими шароитида, узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган бюджет сиёсати стратегиясини аниқлаш имкониятига эга бўлинмайди. Бу ҳолат, узоқ ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий сиёсатни амалга оширишдаги давлат бюджетининг ролини мавҳумлаштиради. Шунинг учун бюджетни режалаштиришда ўрта муддатли режалаштириш тизimini жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, бюджет харажатларининг молиялаштириш самарадорлигининг асосий мезони сифатида ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги натижалар асос қилиб олинар экан, бунда ҳалдаги асосий вазифа ушбу харажатларининг ижтимоий-иқтисодий натижаларини баҳолаш мезонлари ва механизмини ишлаб чиқишни талаб этади. Натижаларни баҳолаш ва бошқариш мураккаб, лекин бюджет харажатларининг самарадорлигини аниқлашда бош омил ҳисобланади.

Учинчидан, ушбу жараёнларда бош мақсад ижтимоий-иқтисодий самарани ўзида ифодаловчи натижаларни баҳолашга эмас, уни бошқариш тизimini такомиллаштиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, яхлит бюджет сиёсатининг самарадорлиги, бюджет тизими бюджетларининг харажатлари ижросига бевосита боғлиқдир. Айниқса, ижтимоий соҳадаги харажатларнинг залворли юки, маҳаллий бюджетларга тушаётган ҳозирги бир шароитда маҳаллий бюджетларининг барқарор даромад манбаини шакллантириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилади. Албатта, ҳозирги шароитда дотацион режимдаги ўрта бўғин бюджетлари мавжуд бўлмаса-да, уларнинг таркибида 2014 йилги маълумотлар бўйича 7 таси (Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари) кучсиз донор ҳудудлар (юқори бюджетдан субвенция оладиган бюджетлар) ҳисобланади. Ҳалдаги вазифа ушбу маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида субвенциялар салмоғини пасайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни янада ривожлантириш ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг асосий омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш;
- ҳудудларга хорижий инвестицияларни кенг жорий этиш;
- паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва бошқалар.

Шунингдек, мавжуд ҳудудлар солиқ салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни юксалтиришдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг манфаатдорлигини таъминловчи механизм ишлаб чиқиши лозим.

Юқоридаги чора-тадбирлар истиқболда давлат бюджети харажатлари самарадорлигини ошириш пировардида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш имкониятларини юзага келтиради.

2.3. Бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири

Кейинги ўн икки йилда республикамиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми ўртача йилига 8 фоиздан ортиқ ўсмоқда, иқтисодиётимизда ижобий тузилмавий ўзгаришлар юз бермоқда. Солиқ сиёсатининг республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини, шунингдек, экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини таҳлил қилсак, бунинг яққол тасдиғини кўрамыз.

Солиқ юкининг камайиши юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Солиқ ислохотларининг устувор йўналиши сифатида солиқ юкининг босқичма-босқич пасайтирилиши барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда муҳим омил бўлди. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан белгилаб берилган «Ўзбек модели» асосий тамойилларидан бири иқтисодий ислохотлар жараёнида давлатнинг етакчилик ролидир. Одатда, макроиқтисодий сиёсатни олиб боришда ушбу роль давлатнинг фискал сиёсати орқали амалга оширилади. Фискал сиёсат орқали давлат нафақат умумлашган талабни, ишлаб чиқаришни ва даромадларни бошқариб туради, балки институционал ва тузилмавий ислохотлар ривожига ҳам актив таъсир кўрсатади.

2.3.1-графикдан кўриниб турибдики, солиқ юки пасайиши ва ЯИМ ўсиши суръатлари тескари пропорционал боғланган. Яъни солиқ юки пасайиши ЯИМ ўсиш суръати ўсишига олиб келади. Юртимизда ҳам асосий солиқлар бўйича солиқ ставкалари пасайтирилиши ва оптималлаштирилиши, солиқ маъмурчилигининг тубдан яхшиланиши, самарадор (соддалаштирилган) солиқ тизимига ўтилиши бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида иқтисодиётдаги солиқ юки ЯИМга нисбатан 1991 йилдаги 49,1 фоиздан 2015 йилга келиб 30,6 фоизгача пасайишига эришилди. Солиқ юкининг камайтирилиши эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратди. Кейинги 12 йил (2004-2015

йиллар) мобайнида мамлакатимиз ЯИМнинг ўсиш суръати ўртача 8,1 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулоти ҳажми эса ўртача 9,2 фоиздан ўсди.



2.3.1-график. Солиқ юкининг камайиши ва иқтисодий ўсиш суръатлари³⁸

Солиқ юки камайиши деярли барча бевосита ва билвосита солиқлар юкининг камайиши орқали амалга оширилди (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал.

1992-2016 йиллар давомида солиқ ставкаларининг ўзгариши³⁹

Солиқ турлари	1992-2016 йиллардаги максимал солиқ ставкалари	2016 йил учун ўрнатилган солиқ ставкалари	Пасайиш суръати
Қўшилган қиймат солиғи	30	20%	1,5 баравар
Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	45	7,5%	6 баравар
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2	5%	3 баравар
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	60%гача	23%гача	2,6 баравар
Ягона ижтимоий тўлов	40%	25%	1,6 баравар
Ягона ижтимоий тўлов (микрофирма ва кичик корхоналар учун)	40%	15%	2,7 баравар

Жумладан:

³⁸ Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси тўпламлари ва расмий сайтларидаги маълумотлар асосида ҳисобланган.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Фойда солиғи. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 1995 йилда 38 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу ставка 7,5 фоизгача пасайтирилди. Ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, икки ёқлама солиқ солишнинг олдини олиш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солиш базасидан чегириб ташланадиган ва солиқ солиш базасига қайта қўшилмайдиган харажатлар таркибига киритилди.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи. Аҳолининг реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида жисмоний шахслар даромадига солиқ солиш тартиби ҳам такомиллаштирилиб, солиқ ставкалари кескин пасайтирилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 7 босқичли шкалада – 60 фоиз максимал ставкада ҳисобланган бўлса, бугун ушбу солиқ тури 4 босқичли шкала бўйича тўланмоқда. Ва унинг максимал ставкаси 23 фоизни ташкил этаяпти. 2015 йилнинг 1 январь санасидан эътиборан, энг кичик иш ҳақининг бир бараваригача бўлган даромадлар солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланиши белгилаб қўйилди.

Ягона ижтимоий тўлов. Корхона ва ташкилотларда ишчи-хизматчиларни ёллаш билан боғлиқ харажатлар, ходимларнинг иш ҳақи фондидан ушланадиган мажбурий тўловлар ҳажмини камайтириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғурталаш тизими (Пенсия фонди, Бандлик фонди ва касаба уюшмалари Федерацияси)га ажратмалар миқдори 1994 йилда иш ҳақи фондидан 40 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда ушбу ставка босқичма-босқич 25 фоизга қадар пасайтирилди. Ўтган йилдан бошлаб эса микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилди.

Қўшилган қиймат солиғи. Республикада истеъмол талаби ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида

қўшилган қиймат солиғи ставкаси 30 фоиздан 20 фоизга туширилди. Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва хўжалик фаолиятининг жадаллашуви натижасида бюджет даромадларида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушум кўрсаткичлари тобора ўсиб борди. Бундан ташқари, 1991 йилдан то бугунга қадар солиқ ставкаларини камайтириш билан бир қаторда бир хил солиқ солиш базасига ўхшаш солиқлар унификация қилинди, кам самарали солиқ ва мажбурий тўловлар бекор қилиниб, солиққа тортиш тартиби соддалаштирилди.

Бюджет даромадлари таркибида ресурс солиқлари улуши ошиб бормоқда. Солиқ тизимини ислоҳ қилиш натижасида бюджет даромадлари таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Аҳолига солиқ юкини камайтириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида жами бюджет даромадларида корхоналар фойдасидан олинadиган солиқларнинг улуши камайтирилиб, ресурс солиқлари улуши босқичма-босқич ошириб борилди. Натижада, 1995 йилга нисбатан 2015 йили бюджет даромадларида бевосита солиқлар улуши 38,5 фоиздан 24,1 фоизгача қисқарди. Ресурс ва мулк солиғининг улуши 5,9 фоиздан 13,2 фоизгача ортди. Хусусан, корхоналар фойдасига солиқ юки камайтирилиши ва соддалаштирилган тизим жорий этилиши натижасида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг бюджет даромадларидаги улуши 1995 йили 28,6 фоиздан 2015 йили 3,2 фоизгача пасайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда солиқлар асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши энг аввало, мазкур соҳа учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилганлиги самарасидир. Зеро, солиқ юкининг босқичма-босқич камайтириб борилиши бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тўланадиган ягона солиқ тўловининг ставкаси 2005 йилдаги 15,2 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди. Шу ўринда ҳукуматимиз томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлар қабул

килинганлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, Биринчи Президент И.Каримов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз», деб таъкидлаган эдилар.

Мисол учун, янги иш ўринлари яратиш тизимини олайлик. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли Қарори ва 2010 йил, 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4232-сонли Фармонида асосан, қуйидаги ҳолларда микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолат ҳамда ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади:

- кичик корхона ўз уйида ишлаётган (касаначилиқ билан шуғулланаётган) фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномаларини тузганда;

- микрофирма ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицей ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда.

2015 йилнинг 1 январидан эътиборан, кичик корхоналар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиши ушбу соҳага малакали ишчилар кўпроқ жалб қилиниши, ойлик маошлар оширилиши учун қулай шароит яратди.



2.3.2-график. Кичик бизнес динамикаси ва солиқлар⁴⁰

Текширишлар сони камайтирилгани эса тадбиркорларнинг ишончли ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сонли Фармониға кўра, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно) молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмаслиги белгиланди. Ушбу тартиб фермер хўжаликлари фаолиятини текширишга ҳам тегишлидир. Фармонға кўра, 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди.

⁴⁰ Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси тўпламлари ва расмий сайтларидаги маълумотлар асосида ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармонида кўра, 2015 йилнинг 1 июлидан эътиборан:

- микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикасининг Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан, уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади;

- молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди;

- Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноят (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш)ни биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия фондига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битирганидан эътиборан, ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқдан озод этилади.

Солиқ ва статистика ҳисоботлари 100 фоиз электрон шаклда Интернет тармоғи орқали тақдим этилмоқда. Кичик корхоналар умумбелгиланган

солиқ тўловчиси сифатида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича ҳар ойда тақдим этиб келаётган 12 та ҳисобот ўрнига кичик бизнес корхоналари ҳар чорак якуни бўйича 4 та ҳисобот тақдим этади.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари учун яратилаётган қулайликлар туфайли йилдан-йилга уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. 2015 йил якунларига кўра, ушбу субъектларда банд бўлганлар сони 10,2 млн. кишидан ошди. Бу эса иқтисодиётдаги жами иш билан банд бўлганларнинг 77,9 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 56,5 фоизга етди. Кичик бизнес улуши саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда 38,9 фоизни, инвестицияларни ўзлаштиришда 36,3 фоизни, савдо айланмасида 87,1 фоизни, экспортда эса 26,9 фоизни ташкил қилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш йўналишлари ҳақида айтсак. 1991-2000 йиллар мобайнида саноатнинг ЯИМдаги улуши 26,3 фоиздан 14,2 фоизгача пасайиб кетди. Ҳукуматимиз томонидан 2000-2015 йиллар мобайнида саноатнинг барча асосий тармоқларида – ёнилғи-энергетика, металлургия, кимё, енгил саноат, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, фармацевтика, транспорт, автомобилсозлик ва бошқа йўналишларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган бир қатор дастурлар қабул қилинди. Ушбу дастурларни муваффақиятли амалга оширишда юқори натижаларга эришишда солиқ тизимининг ҳам ҳиссаси каттадир.

2007 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан:

- хўжалик юритувчи субъектларга беш йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, янги технологик ускуналар харид қилиш, янги қурилиш шаклида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтариш, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида тегишли солиқ даврида амортизация ажратмаларини чиқариб ташлаган ҳолда, аммо солиққа тортиладиган даромаднинг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш лозимлиги белгиланди;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланадиган юридик шахслар учун беш йил давомида ягона солиқ тўловини тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилди;

- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод қилинди (Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги ПФ-4589-сонли Фармонида асосан ўз кучини йўқотган).

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 211-моддаси, 7-бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади. Бундан ташқари, Божхона кодексининг 297-моддасига биноан, қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар божхона божини тўлашдан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сонли Фармонига биноан, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажмига кўра, солиқ имтиёзлари қуйидагича белгиланди:

- 300 минг АҚШ долларида 3 млн. АҚШ долларида — 3 йил муддатга;

- 3 млн.дан ортиқ АҚШ долларида 10 млн. АҚШ долларида — 5 йил муддатга;

- 10 млн. АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга.

Ушбу Фармонда кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланиши белгиланди:

- мазкур корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини истисно қилган ҳолда республиканинг барча шаҳар ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

- корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоизни ташкил этиши лозим;

- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

- мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромаднинг камида 50 фоизини корхона янада ривожлантириш учун қайта инвестициялашга йўналтириш.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ–4434-сон Фармонида биноан, қиймати 50 млн. АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши тартиби ўрнатилди. Мазкур Фармонга биноан белгилаб қўйилдики, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ҳамда қоидаларини қўллашга ҳақлидир.

Иқтисодийётимизда амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, 2006-2015 йиллар мобайнида инвестициялар ҳажми йилига ўртача 15,1 фоиздан ўсди. Жами инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши ўртача 20 фоиздан юқори бўлди. 2015 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 млрд. 800 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Жами инвестицияларнинг 3 млрд. 300 млн. АҚШ долларидан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий

киймати 7 млрд. 400 млн. АҚШ доллари бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди. Натижада, саноатнинг барча асосий тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатларда ўсишига эришилди. Автомобилсозлик, нефт-кимё, газ-кимё каби бир қатор янги тармоқлар вужудга келди. Саноат маҳсулоти ҳажми 2006-2015 йилларда ўртача 9,3 фоиздан ўсди ва 2015 йил якунига келиб унинг ЯИМдаги улуши 33,5 фоизни ташкил этди (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал.

Солиқ юки ҳамда ЯИМ, саноат ва инвестиция ҳажмлари ўртача ўсиши⁴¹

Йиллар	Солиқ юки	ЯИМ	Саноат	Инвестициялар
1991-1995	45,1	-4,0	0,0	-10,0
1995-2005	32,6	4,6	6,0	6,7
2006-2015	31,6	8,3	9,3	15,1

Экспортни ривожлантириш ва диверсификация қилишни солиқлар орқали рағбатлантириш орқали экспорт ҳажмини оширишга эришилмоқда. Экспорт таркибини оптималлаштириш (диверсификация қилиш), жаҳон бозоридаги хомашё маҳсулотларининг беқарор конъюнктурасига боғлиқлигини камайтириш масалалари ҳукуматимизнинг доимо диққат марказидадир. Ушбу масалаларни ҳал этишда солиқ сиёсатига катта ўрин ажратилмоқда.

Хусусан, уларнинг айримларини хронологик тартибда санаб ўтишимиз мумкин:

1) 1994 йил июль ойидан бошлаб, хомашё бўлмаган маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарга кенг имтиёзлар берилди;

2) 1996 йил апрель ойидан бошлаб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қайта ишланиш (мураккаблик) даражасига боғлиқ ҳолда корхоналар фойдасига дифференциаллашган солиқ ставкалари ўрнатилди;

⁴¹ Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси тўпламлари ва расмий сайтларидаги маълумотлар асосида ҳисобланган.

3) экспорт қилувчи корхоналар экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сотиб олган моддий ресурслари учун қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилиндилар;

4) 1997 йил ноябрь ойидан эътиборан, сотилган маҳсулот таркибида экспорт улуши 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналар фойда солиғи 2 марта камайтирилди.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози туфайли жаҳон бозори конъюнктурасида рўй берган салбий ўзгаришларнинг иқтисодийетимизга таъсирини камайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан инқирозга қарши махсус дастур қабул қилинди. Ва мазкур дастурга мувофиқ, экспортчи корхоналар даромадларининг кескин пасайиб кетмаслигига йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Экспортга улуш қўшувчи корхоналар учун яратиб берилаётган шароитлар ва солиқ имтиёзлари (фойда, мулк солиғи, акциз солиғидан имтиёзлар, экспорт қилинаётган маҳсулотлар учун ноль қийматдаги қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) экспорт ҳажми ошиши ва унинг таркибий ўзгаришларига бевосита таъсир кўрсатди. Ўтган йили ташқи савдо айланмаси ҳажми 25,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 1992 йилдаги кўрсаткичдан 5,7 маротаба кўпдир. Ўз навбатида, экспорт ҳажми 12,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди ва 5,5 маротаба ўсди. 1997 йилдан бошлаб, ташқи савдода ижобий балансга эришиб келинмоқда. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз олтин-валюта захираларини тўлдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Экспорт ва импорт таркибида ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Экспортда пахта толасининг улуши 1991 йилдаги 53,7фоиздан 2015 йил якунлари бўйича 5,7 фоизга тушди. Айни пайтда машина ва ускуналар, кимёвий ўғитлар, тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми тобора ўсиб бормоқда. Импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 43,1 фоиздан 12,8 фоизгача тушган бўлса, машина ва технологик ускуналар улуши 15,0 фоиздан 40,5 фоизгача ўсди. Товар ва хизматларни экспорт қилиш географияси кенгайиб, 160 дан ортиқ мамлакатни ўз ичига олди.

Маҳаллийлаштириш дастури ва солиқ имтиёзларининг аҳамияти хусусида алоҳида сўз юритиш зарур. Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан бири – саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантиришдир. Республикамизда 2000 йилдан эътиборан, ушбу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун)дан озод қилинади. Шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи ҳамда импорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича божхона божини тўлашдан озод қилинадилар.

Маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш имконини бермоқда. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, янги иш жойларини яратишда беқиёс аҳамият касб этаяпти. Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинаётир.

Жорий йилнинг февраль ойида Иқтисодиёт вазирлигида «Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш – иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим омили» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маҳаллийлаштириш дастурининг қуйидаги муҳим жиҳатлари алоҳида таъкидланди:

1) 2000 йилдан буён маҳаллий лойиҳалар ҳисобига ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми 220 баробардан ошди;

2) фақатгина 2015 йилда 696 та лойиҳа доирасида ишлаб чиқариш ҳажми 4 трлн. сўмни, импорт ўрнини қоплаш самарадорлиги эса 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган;

3) сўнгги 2 йил мобайнида 97 та товар гуруҳи бўйича импорт умуман тўхтатилган, 306 та товар гуруҳи бўйича импорт ҳажми 2 мартадан ортиқ камайтирилган;

4) маҳаллийлаштириш дастурини самарали амалга оширишда жаҳондаги етакчи компаниялар жалб этилмоқда (юк машиналари ишлаб чиқарувчи «MAN» компанияси, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи «CLASS» ва «Lemken» компаниялари, маиший техника ишлаб чиқарувчи «Toshiba», «Candy», «LG» ва «SAMSUNG» компаниялари).

5) 2015 йилда 52 турдаги 25,1 млн. АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сонли Қарори билан 2015-2019 йилларга мўлжалланган Маҳаллийлаштириш дастури тасдиқланди. Ушбу Қарорга кўра, кейинги 5 йил мобайнида 602 та лойиҳа амалга оширилиши ҳамда улар доирасида 1225 та янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда солиқ имтиёзларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли Қарорига кўра, айрим турдаги хизматларни кўрсатувчи корхоналар фойда ва ягона солиқ тўловидан озод қилиндилар. Бундай хизматлар сирасига молия ва банк хизматлари (лизинг, суғурта, аудиторлик, бухгалтерия хизмати, микрокредитлаш, солиқ маслаҳатчилари хизматлари), маиший хизмат (пойабзал таъмирлаш, соатсозлик, электрон товарларни тузатиш, сартарошлик ва бошқалар) ва бошқа хизматлар (ветеринария, таълим хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматлари ва

бошқалар) киради. Ушбу солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2017 йил 1 январгача узайтирилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини янада тараққий эттириш учун имтиёз, енгиллик ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши туфайли республикада кўрсатилган хизматлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида 2009 йилдаги 47,2 фоиздан 2015 йил якунларига кўра, 54,5 фоизгача ўсди. Макзур таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, солиқ сиёсати иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришда, ижобий тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим тиргак вазифасини ўтамоқда.

III-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

3.1. Иқтисодиётни тартиблашда солиқ тизимини такомиллаштириш муоммалари ва уларнинг ечимлари

Республикада амалга оширилаётган ўзгаришлар иқтисодиётни янада ривожлантиришга, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилгандир. Шубҳасиз, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш мақсадида тартибга солишда солиқ сиёсатининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Шу боис, республика ҳукумати томонидан самарали солиқ сиёсати олиб борилиб, солиқ тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди ва унинг амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Ушбу дастурда қатор чора-тадбирлар қаторида солиқ механизмининг рағбатлантирувчи аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. **Президентимиз таъкидлаганидек, “Дастур доирасида амалга оширилган яна бир муҳим тадбиримиз – солиқ юкини енгилаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилгандир”⁴².** Амалга оширилган чора-

⁴² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 41 б.

тадбирлар натижасида мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилмоқда.

Солиқ тизимининг унинг рағбатлантирувчилик ролини оширишга қаратилиб олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг реал даромадларини ошириш билан бир вақтда, уларнинг бўш маблағларини ишлаб чиқаришга йўналтириш имкониятини яратди. “Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли даражада ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда”⁴³.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлардир. Жумладан, 2010 йилда мамлакатимизда 950 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган⁴⁴. “Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда”⁴⁵. Демак, аҳоли даромадлари ва истеъмолининг ўсиб бориши, уларни амалдаги солиққа тортиш тизимига танқидий жиҳатдан ёндашувни тақазо этади.

Назарий таҳлилларимизга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда маҳаллий солиқлар ва йиғимларни амал қилишда ҳали бир қатор муаммолар мавжуддир. Ушбу бандда ана шу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари хусусида тўхталиб ўтамыз. Бу ўринда аввало маҳаллий солиқлар ичидаги энг катта мавқеини

⁴³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 62 б.

⁴⁴ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

⁴⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

эгалловчи мол-мулк солиғини такомиллаштириш билан боғлиқ фикрларни келтирамыз.

Бугунги кунда мол-мулк солиғи давлат бюджетидаги ҳиссаси юқори бўлмасада тўғри солиқ сифатида корхона, ташкилотлар молия-хўжалик фаолиятига катта таъсир кучига эга эканлиги билан аҳамиятлидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мол-мулк солиғидаги энг асосий муаммо бу унинг солиқ ставкаси билан боғлиқдир. Маълумки, мол-мулк солиғи ставкаси пропорционал (тенг улушли) тартибда белгиланган бўлиб, бунда солиқ тўловчилар ихтиёридаги мол-мулк объектининг ҳажми, асосий капиталининг фонд қайтими, фонд сиғими, ялпи тушумдаги ҳиссаси, уларга тегишли амортизация суммалари кўп ҳолатларда солиққа тортиш жараёни билан узвий боғлиқлиги амалда кўринмайди. Шу сабабли, мол-мулк солиғи ставкасини белгилашда ушбу кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тартибда белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз. Бироқ, табақалаштиришда асосий мезон сифатида тармоқлар корхоналарининг фонд сиғими даражасини, ёки асосий фондларининг эскириши суммасини асосий воситалари қолдиқ қийматиға нисбатан фонд қиймати даражасини олиш мумкин.

Агар, фонд сиғими даражасига нисбатан олинадиган бўлса, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш корхоналари учун солиқ ставкасини нисбатан юқори даражада белгилашга тўғри келади. Мол-мулк солиғи бўйича солиқ ставкаси чет мамалакатларда, масалан Россия Федерациясида унинг субъектлари бўлган давлат органлари томонидан корхона фаолиятининг турига қараб белгиланади. Ривожланган хорижий мамлакатларда мол-мулк солиғи ставкасини ўртача миқдори тахминан 1-2 фоизни ташкил этади. Масалан, Германияда жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи солиққа тортиладиган мулк қийматининг 0.5 фоизини, корпорациялар учун 0.6 фоизни ташкил қилади. Мол- мулклар қиймати даромадлар ёки маблағларнинг айланиш каби кескин тебранишларга

эга бўлмаганлиги сабабли мазкур солиқ доимий равишда ҳар уч йилда ҳисобланади.

Ҳозирги кунда асосий воситаларни сотиб олишда тегишли қўшилган қиймат солиғи асосий воситаларнинг дастлабки (бошланғич) қийматига киритилмоқда. Бунинг асосий сабаби асосий воситалар материаллар каби доиравий айланишда узоқ давр хизмат қилиши яъни айланиш тезлиги кам бўлганлиги билан изоҳланади. Бироқ, масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуддир. Яъни, қўшилган қиймат солиғи асосий воситанинг дастлабки қийматига киритилганлиги боис мол-мулк солиғи объекти сунъий равишда ошириб юборилади.

Натижада қўшилган қиймат солиғи мол-мулк солиғи орқали икки марта солиққа тортилиб қолинади. Шундан келиб чиқиб, мол-мулк солиғининг объектини камайтириш мақсадида сотиб олинган асосий воситаларга тегишли ҚҚС асосий воситаларнинг амортизация меъёрларига мувофиқ норматив хизмат қилиш муддати давомида маҳсулот таннархига олиб бориш лозим ва асосий восита реализация қилинганда ҚҚС қайта ҳисобланмаслиги зарур. Мол-мулк солиғи ставкасини бугунги кунда пропорционал тартибда белгилаш солиқларнинг адолатлилик тамойилига ҳар вақт ҳам мос келавермайди. Бизнингча мол-мулк солиғи ставкасини табақалаштириш уларнинг эскириш суммасига нисбатан ёки қолдиқ қийматига нисбатан қўлланилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Солиқ ставкаси табақалаштирилган тарзда шундай жорий қилиниши керакки, бунинг натижасида корхонанинг ортиқча фондларга эгалик қилиши ва улардан самарасиз фойдаланиш иқтисодий фаолиятига сезиларли даражада зарар етказиши керак.

3.2. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ва прогнозлаш

Давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш орқали бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминланади. Ҳозирги кундаги мамлакатимиздаги бюджет профицити нормал ҳолатда эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳудди шундай кейинги йиллар учун ҳам истиқболни аниқлашда прогнозлашдан фойдаланилади.

Бюджет даромадоари бевосита солиқ, бож ва бошқа мажбурий тўловлар асосида шаклланади ва улар йиллик махсус дастур ва давлатнинг ўз вазифаларини бажариш бўйича ишларга сарафланади. Мамлакатимизда йиллар мобайнида бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оладиган бўлсак, мамлакатимизда 2005 йилдан бошлаб ҳозиргача бюджет профицити 0,1 фоиздан 0,4 фоиз оралиғида эканлигини қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.

3.2.1-жадвал.

Ўзбекистоннинг 2005-2015 йилларда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари динамикаси⁴⁶

Йиллар	Даромадлар млрд. доллар	Харажатлар млрд. доллар	ЯИМ даги улуши %
2005	3,08	3,07	0,1
2006	3,68	3,60	0,5
2007	4,92	4,60	1,4
2008	6,64	6,21	1,5
2009	7,39	7,34	0,2
2010	8,56	8,44	0,3
2012	10,5	10,3	0,4
2015	12,9	12,8	0,1

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кейинги йилларда солиқ қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кенг йўл очмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида шулар хусусида сўз юритилиб, жорий йилда ҳам солиқ сиёсатида ушбу масалалар ўз кучини сақлаб қолганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджета параметрлари тўғрисида»ги 2455-сонли Қарорига асосан юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг ставкалари пасайтирилганлиги, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилганлиги қайд этилди.

Хусусан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги 6 фоиздан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 5 фоиз этиб белгиланди. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун ягона солиқ тўлови ставкаси ҳам 1 фоизли пунктга пасайтирилди. Бунинг ҳисобига жорий йилда ушбу турдаги хўжалик субъектлари ихтиёрида 58,4 млрд. сўмлик маблағ қолиши кутилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғининг регрессив ставкасини қўллаш тартиби, яъни экспорт улуши сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда белгиланган ставка 30 фоизга, 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда эса 50 фоизга пасайтирилиши 2016 йилда ҳам сақланиб қолинди.

2016 йилдан бошлаб мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун фойда солиғининг рентабеллик даражасидан келиб чиқиб тўлаш, яъни рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда 7,5 фоиз ставкада, 20 фоиздан юқори бўлганда эса фойда суммасига 50 фоиз ставкада солиқ тўлаш белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида нооziк-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда ва мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, тўқимачилик тармоғидаги корхоналари учун мол-мулк солиғи ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Қонунчиликка киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимлари сонини 25 тадан 50 тагача оширган ҳолда кичик бизнес субъектларига берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотувчи корхоналар учун 2016 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб, товар айланмасига нисбатан 4 фоиз, ягона ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланди (бунда 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб, ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 235-сонли қарорига мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши тартиби жорий қилинди).

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб норуда қурилиш материалларига (цемент, оҳак, гипс ва бошқа маҳсулотлар хомашёси) ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари бирхиллаштирилиб ягона 5 фоизлик ставка белгиланди.

Шунингдек, жорий йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасида ҳам ўзгаришлар рўй берганлиги диққатга сазовордир. Чунончи, 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан

олинадиган даромад солиғи ставкасининг иккинчи шкаласи (энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда) 2015 йилдаги 8,5 фоиздан 1 фоизли пунктга камайтирилиб, 7,5 фоиз этиб белгиланди. Натижада 235 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар ишчи ва хизматчиларнинг ихтиёрида қолиш имконияти яратилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг амалдаги ставкаси 15 фоизга индексация қилиниб, унинг миқдори мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз этиб белгиланди.

Ушбу олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги муносаббатларни таъминлашга қаратилган десак хато бўлмайди.

Прогнозлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, бюджет даромадлари ва харажатларини истиқболли натижаларини аниқлашдан иборат бўлади.

Прогнозлашнинг энг содда усулларида бири бўлган трен функцияси орқали бюджет даромадларини ва харажатларининг истиқболли давр учун прогноз қиламиз. Бунда тренд $y=a+bxt$ функциясида ўзгарувчиларни йиллар қилиб оламиз ҳамда чизиқли функция ҳосил қиламиз.

Тренд функциясини тузиш ва у орқали прогноз қилишни Microsoft Excel дастурида “анализ данных” ёрдамида бажарамиз. Унга кўра ўзгарувчилар йиллар ҳисобланади.

Регрессион статистика а)

Кўп миқдорли R	0,950
R-квадрат	0,902
Норма R-квадрат	0,892
Сандарт хатолик	0,988
Кузатувлар	12

Юқоридагидан кўришимиз мумкинки, R-квадрат бу корреляция коэффиенти бўлиб, у омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини кўрсатади.

Яъни ушбу вақт омили бюджет даромадлари ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда 0,902 га тенг экан. Бу кўрсаткич ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш бор эканлигини кўрсатади.

Дисперсион анализ **b)**

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>
Регрессия	1	89,13	89,13	92,58
Қолдиқ	10	9,63	0,963	
Жами	11	98,75		

c)

	<i>Коэффициентлар</i>	<i>Стандарт хатолик</i>	<i>t-статистика</i>	<i>Паст 95%</i>	<i>Юқори 95%</i>
Озод ҳад (a)	-1578,660	164,629	-9,589	-1945,476	-1211,843
Ўзгарувчи (t)	0,789	0,082	9,622	0,607	0,972

Демак, ушбу маълумотлардан бюджет даромадларини прогноз функциясини ҳосил қиладиган бўлсак, у ҳолда функция $y = -1578,66 + 0,789t$ кўринишида бўлади⁴⁷.



⁴⁷ а), b), c) жадваллар муаллиф томонидан ҳисобланган.

2020 йилгача бюджет даромадларини прогноз қилишимиз мумкин.

3.2.2-жадвал

**Давлат бюджети даромадларини тренд функцияси орқали аниқланган
прогноз кўрсаткичлари(млрд. доллар)⁴⁸**

Йиллар	Бюджет даромадлари
2017 йил	$-1578,66 + 0,789 \cdot 2017 = 13,70$
2018 йил	$-1578,66 + 0,789 \cdot 2018 = 14,49$
2019 йил	$-1578,66 + 0,789 \cdot 2019 = 15,28$
2020 йил	$-1578,66 + 0,789 \cdot 2020 = 16,07$

Бюджет харажатларининг ҳам истиқболли давр учун прогнозини худди шундай тренд функцияси орқали аниқланади.

Регрессион статистика d)	
Кўп миқдорли	R 0,942
R-квадрат	0,888
Норма R-квадрат	0,877
Стандарт хатолик	1,023
Кузатувлар	12

Юқоридагидан кўришимиз мумкинки, R-квадрат бу корреляция коэффиенти бўлиб, у омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини кўрсатади. Яъни ушбу вақт омили бюджет харажатлари ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда 0,888 га тенг экан. Бу кўрсаткич ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш бор эканлигини кўрсатади.

⁴⁸ Тренд функцияси орқали муаллиф томонидан аниқланган.


е)

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>
Регрессия	1	82,81	82,81	79,11
Қолдик	10	10,47	1,05	
Жами	11	93,28		

ф)

	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	Паст 95%	Юқори 95%
Озод ҳад (а)	-1521,583	171,666	-8,864	-1904,1	-1139,1
Ўзгарувчи (t)	0,761	0,086	8,895	0,6	1,0

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, тренд функцияси $y = -1521,583 + 0,761t$ кўринишида бўлади. Бунда y -бюджет харажалари, t -йиллар. Ушбу тренд функцияси орқали бюджет харажатларини йиллар бўйича прогноз қиладиган бўлсак, 2014 йил учун бюджет харажатлари $-1521,583 + 0,761 \cdot 2014 = 11,07$ миллиард доллар бўлишини прогноз қилишимиз мумкин⁴⁹.



⁴⁹ d), е), f) жадваллар муаллиф томонидан ҳисобланган.

Худди шундай 2020 йилгача бюджет харажатларини прогноз қиладиган бўлсак, қуйидаги жадвални ҳосил қиламиз.

3.2.3-жадвал

**Давлат бюджети харажатларини тренд функцияси орқали аниқланган
прогноз кўрсаткичлари(млрд. доллар)⁵⁰**

Йиллар	Бюджет харажатлари
2017	$-1521,583 + 0,761 \cdot 2017 = 13,35$
2018	$-1521,583 + 0,761 \cdot 2018 = 14,12$
2019	$-1521,583 + 0,761 \cdot 2019 = 14,88$
2020	$-1521,583 + 0,761 \cdot 2020 = 15,64$

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бюджет даромадлари ва харажатларининг мутаносиблиги ва улар орасидаги оптимал нисбатни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга экан. Мамлакатимизда бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик халқаро талабларга жавоб беради яъни бугунки кунда бюджет профицити 0,1 фоиз эканлиги фикримизнинг яққол далилидир.

3.2.4-жадвал

**Бюджет ҳолатининг истиқболга прогноз кўрсаткичлари
динамикаси(млрд. долл.)⁵¹**

Йиллар	Бюджет даромадлари	Бюджет харажатлари	Бюджет профицити
2017	13,70	13,35	0,35
2018	14,49	14,12	0,37
2019	15,28	14,88	0,4
2020	16,07	15,64	0,43

⁵⁰ Тренд функцияси орқали муаллиф томонидан аниқланган.

⁵¹ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

--	--	--	--

III-бобга хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда бюджет тизимидаги кенг қўламли ислохотлар бюджет тизимини янада такомиллаштиришга ва барқарор даромад манбаларини таъминлашга хизмат қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг даромад ва фойда солиқ ставкалари ва имтиёзлар ҳам ушбу соҳадаги кенг қўламли ислохотлардан эканлигини ушбу бобда келтириб ўтдим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ-бюджет тизимини такомиллаштиришни, солиқ йиғимларини соддалаштириш ва бунинг натижасида бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш муҳим аҳамиятга эга экан.

Бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳам мамлакат бюджет тизимининг муҳим вазифаларидан эканлиги келтирилган. Шунингдек, бюджет даромадлари ва харажатларининг тренд функцияси орқали прогнозлари ҳам келтирилган.

Ушбу прогнозлар кўрсатадики, узоқ йиллар мобайнида ҳам мамлакатимизда жаҳон талабларига мос бюджет профицити таъминланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мамлакатимизнинг иқтисодий эркинлаштириш шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тўғри йўл тутганлиги, унинг ривожланиши асосида қабул қилинган тамойилларнинг мантиқий яхлитлиги ва кенг қамровлиги, энг муҳими, уларнинг халқимиз ҳаётида мазмун-моҳиятини чуқур ифодалай олганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги чуқур кенг кўламли иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий модернизациялаш ва диверсификациялаш, чуқур таркибий ўзгаришлар 2016 йилда ҳам ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатди.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, ички ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш юзасидан бюджет ва солиқ тизимидаги ислохотлар ва уларнинг амал қилиши янада соддалаштирилмоқда. Шундай экан мамлакатнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш учун солиқ ва божхона имтиёзларининг амал қилиши мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Солиқ сиёсатида тўғри солиқларнинг аҳамиятини ошириш, бюджет-солиқ тартиби устун даражада инфляциясиз (ёки хавфсиз инфляцияли) усуллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда солиқ-бюджет тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам солиқ ва божхона имтиёзларининг берилаётганлиги тизимида самарали фаолиятни таъминлаётганлигини кўришимиз мумкин.

Солиқ-бюджет тизимини такомиллаштириш йўналишлари сифатида қуйидаги таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- ҳозирги кундаги мамлакатимизда ғазна ижросини амалга оширишни янада ривожлантириш ва соддалаштириш улар фаолиятида ягона бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш тартибининг янада соддалаштирилган механизмини ишлаб чиқиш (бунинг натижасида барча солиқ тўловчилари ўзларининг қай тартибда ва қанча миқдорда солиқ тўлаётганлиги ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиши ҳамда солиқ мажбуриятини онгли равишда ёндошувни таъминлаш мумкин);
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини қўллашда жисмоний шахсларнинг даромад топаётган ҳудудларига қараб табақалаштириш (масалан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг ҳудудлар бўйича қўлланилиши амалиётда яхши натижа бермоқда);
- ягона солиқ тўловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун солиқ ҳисоботларини давр охирида тўлашини ташкил қилиш;
- солиқ ставкаларини унификациялаш натижасида бюджет даромадларини ошириш ва ундан самарали фойдаланишда мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг сонини ошириш;

Шунингдек, давлат бюджетининг қарийб 60 фоизига яқини ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганлиги “Ўзбек модели” даги “Кучли ижтимоий сиёсат” тамойилининг амалиётдаги яққол ифодаси ошиб бораётгани ҳам самарали солиқ-бюджет тизимининг яратилганлиган далолат беради.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: “Yurist-Media markazi” 2011 йил.
3. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: “Ўзбекистон”, 2004 йил 26 август.
4. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.- Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил 14 декабр.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2012 йил 25 декабрь, ПҚ-1887-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2013 йил 14 майдаги ПҚ-1965-сонли қарори.
7. Ислон Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ - 594 - сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилги инвестиция дастури тўғрисида” 2012 йил 21 ноябрь, ПҚ–1855-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2011 йил 7 февралдаги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ- 1501-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр – Т.: Ўзбекистон, 2010 – 56 б.

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини йуксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011 – 48 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2012, 9 декабр.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада йуксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари – Т.:Ўзбекистон, 2009.-56 б.

18. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: Асарлар, 19-жилд, Ўзбекистон, 2011.

19. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

IV. Асосий адабиётлар

20. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия Институти. – Тошкент: “Ношир”, 2011. 712-бет.

21. Гадоев Е. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 с.

22. Гадойев Е. и др. Косвенные налоги. Учебно-практическойе пособиё. - Т.: Норма, 2011.- 220 с.

23. Гадоев Е. и др. Налог на прибыль. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 356 с.

24. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.

25. Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко В.В. Налоговый менежмент. Учебник.- М.: Издателско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2011. – 332 с.;

26. Вылкова Е.С. Налоговое планирование. Учебник-М.:Юрайт,2011- 639 с

27. Б.К. Тухлиев, Х.А. Курбонов, М.Ж.Бауетдинов, М.Б. Бижанова Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б.

28. Баева Ж.Б., Тухлиев Б.К.. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизими. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2010. - 180 б.

29. Майбуrow И.А. Налоговая политика. Теория и практика. Учебник - М.: ЮНИТИ, 2010.- 519 с.

30. Ваҳобов А.В, Жўрайев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

31. Шалагина М.А., Невская М.А. Налоговое администрирование. Учебное пособие.- М.: Омега-Л, 2009.– 250 с.

32. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник. Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2009.–227 с.

33. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Учебник - М.: ЮНИТИ, 2010.- 559 с.

VI. Интернет сайтлари

48. www.press-service.uz (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати)

49. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

50. www.mineconomy.uz (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги)

51. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

52. www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси)

53. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

54. www.norma.uz (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги)

55. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги)

56. www.dissercat.ru (Электронный каталог диссертации)___